

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS  
TA'LIM VAZIRLIGI**

**BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI**

**TARIX VA MADANIY MEROS FAKULTETI**

**TARIX KAFEDRASI**

**Fakultet dekani:**

**Ochilov O'.S.**

**Kafedra mudiri:**

**Rahmonov K.J.**

**BITIRUV MALAKAVIY ISH**

**Mavzu: Salib yurishlari va unga qarshi kurashda “xorazmliklar”  
faoliyati tarixidan.**

**5120300- Tarix ( jahon mamlakatlari bo'yicha) bakalavr darajasini  
olish uchun**

**Tarix ta'lim yo'nalishi  
bitiruvchisi: Xodiyev Sanjar  
Islomovich**

**Ilmiy rahbar: katta o'qituvchi  
M.Z. Orziyev**

**Buxoro – 2018**

## Мундарижа:

<b>Кириш</b> -----	<b>3-7</b>
<b>I. боб. XIII аср бошларида Яқин Шарқдаги сиёсий жараёнларга умумий тавиф</b> -----	<b>8-28</b>
<b>I.1. Салиб юриши иштирокчиларининг Хоразм давлати ва шарқдаги христианлар хусусидаги тасаввурлари</b> -----	<b>8-17</b>
<b>I.2. “Хоразмликлар” ва уларнинг мусулмон давлатлари билан муносабатлари</b> -----	<b>18-28</b>
<b>II.боб. “Хоразмликлар” ва уларнинг тарихий тақдири</b> -----	<b>29-48</b>
<b>II.1. “Хоразмликлар”нинг салиб юришларига қарши курашдаги фаолияти</b> -----	<b>29-39</b>
<b>II.2. “Хоразмликлар”нинг сиёсий куч сифатида тугатилиши ва тарихий тақдири</b> -----	<b>40-48</b>
<b>Хулоса</b> -----	<b>49-50</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> -----	<b>51-53</b>
<b>Иловалар</b> -----	<b>54-63</b>

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Юртимиз тарихи дунё тамаддунида ўзига хос мавқега эга бўлиб, халқимиз вакилларининг ўтмишда ўзга минтақалар халқлари ва давлатлари тарихида муҳим рол ўйнаганликларини кўришимиз мумкин. Ана шундай шахслардан бири Султон Жаллолиддин Мангуберди бўлиб ҳисобланади. Жаллолиддин Мангуберди тарихий воқеяликлар ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар мураккаб ва зиддиятли кечган бир даврда яшади. Унинг юрт озодлиги йўлидаги фаолияти, кўрсатган жасоратлари ўз давридаёқ, ҳатто душманлари томонидан эътироф этилган. Жаллолиддин Мангуберди образи бугунги кунда ёшларни мард ва жасур, кўркмас ва ватанга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Юртимизда Жаллолиддин Мангуберди ордени таъсис этилиши, боғлар, кўчалар унинг номи билан номланиши ўсиб келаётган ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этади. Юртбошимиз Ш.М. Мирзиёев тарихимизга, ёшлар тарбияси бефарқ бўлмаслик хусусида: “Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустақкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир <sup>1</sup>”-мазмундаги сўзлари юқоридаги фикр мулоҳазаларимизни асослайди.

Иккинчи бир тарафдан ўз тарихимизни билишимиз, мўғуллар босқини ва унга қарши курашлар тарихи, халқимизнинг миллий истиқлол учун олиб борган қахрамоноа жанглари, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини шакллантиришда Султон Жаллолиддин Мангуберди фаолиятини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб ҳисобланади. Ҳар қандай оғир шароитда бўлмасин, юртдан узокда, айрилиқда бўлмаси, душманлар сон ва сифат

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи. <http://xs.uz/index.php/homepage/rasmij/item/8640>

жихатидан кўп бўлмасин ирода, чидам, бардош, шунингдек, сабр ва матонат билан миллий озодлик йўлидан оғишмаслик каби хислатларни ўрганиш ҳар қачонгидан кўра бугунги кунда миҳимдир. Шу ўринда биринчи юртбошимиз И.А. Каримовнинг; “Ўз тарихини билган инсоннинг иродаси кучли бўлади, ўзга оқим ва таъсирларга берилмайди. Такрор айтаман иродаси кучли бўлади<sup>2</sup>” – деган келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки Жалололидин Мангуберди вафотидан кейин ҳам етакчисиз қолган аскарлари 15 йил муддатда Яқин Шарқда катта ҳарбий-сиёсий куч бўлиб, ушбу ҳудудлардаги давлатлар ва уларнинг сиёсий ҳаётига катта таъсир кўрсатдилар. Бундан ташқари ўша вақтда авж олган диний урушларда ҳам қатнашиб, христианлик, яҳудийли ва ислом динларининг муқаддас шахри бўлган Қуддус шахрини салибчилардан тортиб олишга хоразмлик аскарларнинг фаолити натижасида мувоффақ бўлинган.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, биз танлаган “Салиб юришлари ва унга қарши курашда “хоразмликлар” фаолияти тарихидан” мавзусидаги малакавий битирув ишини ўрганилиши лозим бўлган муҳим мавзулардан бир деб ҳисоблаймиз.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Биз танлаган “Салиб юришлари ва унга қарши курашда “хоразмликлар” фаолияти тарихидан” мавзусидаги малакавий битирув иши мавзусини мазмунан ёритишда ўрганилган адабиётлар рўйхатини шартли равишда қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганишни лозим деб ҳисобладик. Биринчи гуруҳ адабиётларига биз ўша даврда яратилган тарихий манбалар ва ушбу манбаларни ўрганган олимларнинг тадқиқотлари, таржима ишларини киритиб ўтишни лозим деб ҳисобладик. Бирламчи манбалар ва уларга ёндашув турли даврларда турлича бўлганлиги, масалан шўролар даврида синфийлик, комунистик нуқтаи-назардан ёндашув бўлганлигини алоҳида эътиборга олишга аҳаракат қилдик. Шунингдек, комунистик мафкура парчалангандан сўнг тарихга бўлган

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ. 1998. – Б. 13.

ёндашувнинг ўзгаришидан кейин чоп этилган адабиётларга алоҳида эътибор қаратишга ҳаракат қилди. Бу гуруҳдаги адабиётларга биз, Ал–Хасан ибн Муса ан–Навбахти, Ибн ал-Асир, Марко Поло, Г. Гибб, А.А. Феодоров-Давыдов, Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насафий<sup>3</sup> ва бошқаларнинг асарларини киритишни лозим деб ҳисобладик.

Мавзуни мазмунан ёритувчи иккинчи гуруҳ адабиётларига биз, асосан собиқ шўролар даврида чоп этилган, синифийлик нуқтаи-назари ва коммунистик мафкура таъсири остида ёзилган асарларни киритишни лозим деб ҳисоблаймиз. Ушбу асарларга юқорида келтирилган сабабларга кўра имкони борича танқидий ёндашиб ўрганиш ва мавзуни таҳлил қилишга ҳаракат қилдик. Ушбу гуруҳдаги адабиётларга асосан В.В. Бартольд, З.М. Бунятов, М.А. Заборов<sup>4</sup> ва бошқаларнинг асарларини келтириб ўтишни лозим деб ҳисобладик.

Биз танлаган мавзуни мазмунан ёритувчи учинчи гуруҳ адабиётлари сифатида, хорижда чоп этилган адабиётлар бўлиб ҳисобланади. Яқин Шарк ва унинг тарихини ўрганишда Ғарб олимлари бир қадар илгарироқ киришиб, бу борада талай ишларни амалга оширганлар. Ушбу гуруҳ адабиётлари ҳам биринчи гуруҳ адабиётлари сингари манбалар ва уларни таржимаси асосида

---

<sup>3</sup> Ал–Хасан ибн Муса ан–Навбахти. Шиитские секты. Перевод с арабского, исследование и комментарий С. М. Прозорова. – М.: Наука 1973. – 223 с., Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-Та’рих (“Полный свод истории”) Избранные отрывки. Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г. Булгакова. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш. С. Камолиддина. – Ташкент – Цюрих, 2005. – 232 с., Книга Марко Поло. Серия: Путешествия. Открытия. Приключения. – Алма-Ата: Наука, 1990. – 352 с., Рубрук, Гильом де. Путешествие в восточные страны // Путешествия в восточные страны Платона Карпини и Рубрука. Ред., вступ. статья и прим. Н. П. Шастиной. – М.: Государственное издательство географической литературы, 1957. – 270 с., Гибб.Г. Дамасские хроники крестоносцев/Пер. с англ. Е.Б. Межевитинова. – М.: ЗАО Центрполиграф, 2009. – 253 с., Феодоров-Давыдов А.А. Крестовые походы. Историческая хроника. – М.: Типография К.Л. Меньшова 1905. – 200 с., Хилленбранд К. Крестовые походы. Взгляд с Востока: мусульманская перспектива/пер. с англ. – СПб.: “Издательство “ДИЛЯ”, 2008. – 672 с., Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насафий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти/Матёқубов тарж./ - Т.: O’zbekiston, 2006. – 384 б.

<sup>4</sup> Бартольд В.В. Очерк истории Семиречья // Сочинения. Общие работы по истории Средней Азии. Работы по истории Кавказа и Восточной Европы. Том II, часть 1. – М.: Издательство восточной литературы, 1963. – 1020 с., Бартольд В. В. Еще о христианстве в Средней Азии // Сочинения. Работы по отдельным проблемам Средней Азии. Том II, часть 2. – М.: Наука, 1964. – 657., Бартольд В.В. Сочинения Т –V. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов.– М.: Наука; 1968. – 546 с., Бунятов З.М. Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов. 1097 – 1231. – М.: Наука, 1986. – 252 с., Заборов М.А. История крестовых походов в документах и материалах. Учеб. пособие. – М.: Высш. школа, 1977. – 272 с.

тўпланган. Шунингдек, бу гуруҳдаги адабиётларда буюк давлатчилик кайфияти ҳам сезилиб туришини инобатга олиб уларга имкони борича танқидий ёндашишга ҳаракат қилдик. бу гуруҳдаги адабиётлар сирасига D.Abulafia, R.Amitai-Preiss, P. Jackson, P.Hitti, C.F. Petry<sup>5</sup> кабиларни келтириб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз.

**Мавзунини ўрганишдан мақсад ва вазифалар.** Биз танлаган “Салиб юришлари ва унга қарши курашда “хоразмликлар” фаолияти тарихидан” мавзусидаги малакавий битирув иши мавзусини мазмунан ёритишда XIII аср бошларида Яқин Шарқдаги сиёсий жараёнларга умумий тавриф, Салиб юриши иштирокчиларининг Хоразм давлати ва шарқдаги христианлар хусусидаги тасаввурлари, “Хоразмликлар” ва уларнинг мусулмон давлатлари билан муносабатлари, “Хоразмликлар”нинг салиб юришларига қарши курашдаги фаолияти, “Хоразмликлар”нинг сиёсий куч сифатида тугатилиши ва тарихий тақдири каби вазифаларни ўз олдимишга қўйиб, қуйидагича вазифаларни белгилаб олдик.

- XIII аср бошларида Ўрта Осиё ва Яқин Шарқдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар “Хоразмликлар”нинг ушбу минтақага келиб қолиш жараёнига умумий тавсиф бериш;

- Салиб юришлари даврида ғарбий Европада Хоразм ва Ўрта Осиё ҳақидаги, Шарқдаги христианлар хусусидаги афсона ва ривоятлар ҳақидаги тасаввурлардан аниқ маълумотларга ўтилиши, мусулмонларга қарши иттифоқ тузишга уринлар ҳақида тарихий адабиётлардаги маълумотларни таҳлил қилиш;

---

<sup>5</sup> Abulafia D. The new Cambridge medieval history. Vol. 5, c. 1198 – c. 1300. – Cambridge. Cambridge University press, 1999. – p. 711., Amitai-Preiss R. Mongols and Mamluks: the Mamluk–Ilkhanid War, 1260–1281. Cambridge: Cambridge University Press, 1995. – p. 147., Jackson P. The Mongols and Europe // The New Cambridge Medieval History, vol. V: c. 1198 – c. 1300, ed. by D. Abulafia. – Cambridge: Cambridge University Press, 1999. – P. 611., Hitti P. K. History of the Arabs. London, 1940. – p. 674., Holt P. M. Lambton A. K. S. Lewis B. The Cambridge history of islam. Vol. 1A, The Central islamik lands from pre – islamik Times to the first world war. - Cambridge. Cambridge University press, 1970. – p. 158., Petry C. F. The Cambridge History of Egypt. Vol. 1, Islamic Egypt, 640 – 1517. Cambridge: Cambridge University Press, 1998. – p. 236., Riley-Smith J. The Oxford History of Crusades. Oxford: Oxford University Press, 1999. – p. 394.

- “Хоразимликлар” уларнинг Жалолиддин Мангуберди вафотидан кейин Яқин Шарқдаги мусулмон давлатлари билан зиддиятли ва мураккаб ижтимоий-сиёсий муносабатлари жараёнига илмий ёндашув;

- “Хоразмликлар”нинг салиб юришларига қарши фаолияти ва Ғарб адабиётларига унга бўлган муносабат масалаларини очиқ бериш;

- “Хоразмликлар”нинг ҳарбий-сиёсий куч сифатида тугатилиши, уларнинг тарихий тақдири, ҳозирга қадар хоразимликлар номи билан яшаб келаётган аҳоли ва жой номлари хусусида илмий хулосаларга келиш;

**Битирув малакавий ишнинг тузилиши.** Биз танлаган “Салиб юришлари ва унга қарши курашда “хоразмликлар” фаолияти тарихидан” мавзусидаги малакавий битирув ишнинг мазмунан тузилиши кириш, икки боб, тўрт банд, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат ҳолда ёзилди.

## **Салиб юриши иштирокчиларининг Хоразм ва шарқдаги христианлар хусусидаги тасаввурлари.**

Тарихий адабиётларда ўрта асрлар даври деб аталадиган ва Ғарбий Европа христиан давлатлари аҳолиси орасида диний мутаассиблик авж олиб, Рим папалари куч – қудратга тўлган вақтларда Яқин Шарқдаги Қуддус шахрини мусулмонлардан озод этиш, христианликни тарғиб этиш, пайғамбар Исо қабрини ғайридинлардан халос этиш шиори остида мусулмон ўлкаларига ва давлатларига қарши саккиз бора салб юришлари<sup>6</sup> уюштирилганлиги қайд этилади. Шунингдек, бу юришларнинг асосан тўрттаси ҳақида фундаментал адабиётларда кўпроқ маълумотлар келтирилиб, қолганлари “кўлами ва аҳамияти унчалик катта бўлмаган”лиги баҳонасида уларнинг тафсилоти етарли даражада очиб берилмаганлигини кўриш мумкин. Ўз даврининг буюк давлатларидан бўлган Хоразмшоҳлар давлатининг ҳам ушбу курашлардан четда турмаганлиги хусусидаги маълумотлар ҳам тарихий адабиётларнинг кўпчилигида келтириб ўтилмаган. Қуйида ушбу мавзуга оид айрим фикр –мулоҳазаларни келтириб ўтмоқчимиз.

Дунё сиёсий харитасида XII асрнинг иккинчи ярми–XIII аср бошларида улкан ўзгаришлар содир бўлиб, мусулмон олами Ғарбдан салибчилар, Шарқда эса мўғуллар ҳужумига дучор бўлган эди. Ўрта Осиёга кириб кела бошлаган Қорахитой, Найман ва Мўғулларнинг дастлабки ғалабалариёқ салбчиларни илҳомлантириб, уларни христиан динига эътиқод қилувчи “художўй диндошлар<sup>7</sup>” эканлиги билан боғлиқ қатор афсоналар вужудга кела бошлаган. Ғарб ўрта ар муаррихларининг хроникалари, солномаларида ушбу мавзуга оид афсонавий ва ярим афсонавий маълумотларни учратиш мумкин.

---

<sup>6</sup> 1095 йили 18-25 ноябр кунлари Франциянинг Клермон шаҳрида католик черковининг навбатдаги собори тўпланади. 26 ноябрь куни эрталаб, Рим папаси Урбан II нинг Клермонда тўпланган оломонга қарата сўзлаган нутқи Исо қабрини ғайридинлардан қутқаришга даъват этиш билан тугалланади. Шундан сўнг салиб юришлари бошланиб кетади. Салиб деб аталишига сабаб, уларнинг ўз кийимларига хоч белгисини чизиб олганликлари бўлган. бу ҳақда тўлиқроқ қаранг. Заборов М.А. История крестовых походов в документах и материалах. Учеб. пособие. – М.: Высш. школа, 1977. – С. 50.

<sup>7</sup> Рубрук, Гильом де. Путешествие в восточные страны // Путешествия в восточные страны Плано Карпини и Рубрука. Ред., вступ. статья и прим. Н. П. Шастиной. – М.: Государственное издательство географической литературы, 1957. – С. 133.



Масалан, дастлаб 1141 йилдаги Қатвон жангида султон Санжарнинг Қорахитойлардан енгилиши роҳиб қирол Жон ҳақидаги афсонанинг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Шунингдек, Яқин Шарқда мусулмон ҳукумдорлари кўл остида яшаётган христианлар ўртасида Шарқдаги христиан диндош биродарлари томондан уларга “ёрдам” етиб келишига ҳам ишонч пайдо бўла бошлаганлиги тарихий адабиётлардаги маълумотларда келтириб ўтилади<sup>8</sup>. Султон Санжарнинг мағлубияти Ғарбга Несториан мазҳаби аъзоларининг мусулмон давлатлари устидан қозонган ғалабалари, Яқин Шарқда европаликларга монарх қирол Жоннинг ёрдамга келиши шаклида етиб борганлигини Фрейзгенлик Отто хроникасида ҳам ўз аксини топганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, мўғуларнинг Хоразм давлатига бостириб кирганлиги хусусидаги хабар 1220 – йили Дамиатта портида турган 5 – салб юриши иштирокчилари орасида авлиё Жон ёки унинг ўғли қирол Давиднинг мусулмон давлатларининг сиёсий маркази ҳисобланган Боғдодга кириши сифатида баҳоланган. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, бундан илгарироқ Давид образи найманлар давлати етакчиси Кучлук, Муҳаммад Хоразмшоҳ номлари билан ҳам боғланганлиги хусусида тарихий адабиётларда қатор маълумотларни учратиш мумкин<sup>9</sup>. Найманлар етакчиси Кучлукнинг хотини ҳақиқатдан ҳам христианлик динининг несториан йўналишига эътиқод қилганлиги ва ўз давлатида мусулмонларга нисбатан диний таъқиб уюштирганлиги тарихдан яхши маълум<sup>10</sup>.

Муҳаммад Хоразмшоҳнинг христиан афсоналарида авлиё Жон ёки унинг ўғли қирол Давид тимсолида шаклланишига сабаб эса, Хоразмшоҳнинг 1216 – 1217 йилларда Боғдодга халифа Носирга қарши харбий юриш уюштириши ва алавийлар сектасидан бўлган Алоулмулк Термизийни халифа деб эълон қилиши сабаб бўлган деб хулоса чиқариш

---

<sup>8</sup> Hitti P. K. History of the Arabs. London, 1940. – p. 158.

<sup>9</sup> Хилленбранд К. Крестовые походы. Взгляд с Востока: мусулманская перспектива/пер. с англ. – СПб.: “Издательство “ДИЛЯ”, 2008. – С. 510-511.

<sup>10</sup> Бартольд В. В. Сочинения Т –V. Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов.– М.: Наука; 1968. – С. 546.

мумкин. Чунки, алавийлар (Шиа мазҳабдан ажралиб чиққан секта бўлиб, Муҳаммад бин Нусайр ан–Нумайр асос солганлиги сабабли, сектанинг номи Нусайрилар деб ҳам аталган) диний қарашларида христианлик таъсири сезилиб, христианликдаги муқаддас учлик таъсири остида шаклланган. Алавийлардаги муқаддас учлик Муҳаммад, Али, Солмон ал Форсийлар худонинг уч хилда намоён бўлиши деб ҳисобланган. Шунингдек, ушбу секта диний қарашларида хоч байрамлари, насроний чўқинтириш, Исони чўқинтириш маросимлари мавжудлиги, уларга Муҳаммад Хоразмшоҳнинг хомийлик қилиши, ҳатто, ушбу секта вакилини халифа кўтаришга мувоффаиятсиз уринганлиги каби омиллар сабаб бўлган дейиш мумкин<sup>11</sup>. Бу каби афсона ва тассавурлар салбчиларни Шарқ томон интилишлари ва ҳарбий юришларини маънавий жиҳатдан шубҳасиз руҳлантирар ва Шарқдаги диндош биродарлар билан биргаликда мусулмонлар устидан ғалаба қозонишга ишонч уйғотарди. Иккинчи бир томондан салиб юришларига иштирок этишни хохловчилар тобора камайиб, Шарқда салибчиларнинг ҳарбий мувоффақият қозонишга ишонч камайиб кетаётганда бу каби афсона ва ривоятларнинг тарқалиши ижобий натижа бериши шубҳасиз эди.

Кези келганда шуни айтиб ўтиш лозимки, европаликлар кейинги даврларда (жумладан, Плано Карпини, Гилом Рубрук саёҳат хотиралари асосида) ҳам Шарқдаги ўлкаларда христиан динига эътиқод қиладиган қироллари мавжудлигига ишонганлар. Карпини хотираларида қирол Иоанни Ҳиндистон қироли ва мўғуллар истилосига қарши курашган қаҳрамон жангчи деган маълумотларни қолдирган бўлса, Рубрук турк – мўғуллардан бўлган қорахитойлар олий ҳукмдори унвони гўрхонни конхон деб, унинг маъносини авлиё кон шаклида келтириб ўтади. Унинг маълумотларига караганда, конхон ўлгандан сўнг, қорахитойлар орасида яшайдиган бир Найман ўзини қирол деб эълон қилади. Несториан мазҳабидаги найманлар уни қирол Иоан деб атадилар. Иоаннинг подачи укаси бўлиб, унинг исми Унк

---

<sup>11</sup> Ал – Хасан ибн Муса ан – Навбахти. Шиитские секты. Перевод с арабского, исследование и комментарий С. М. Прозорова. – М.: Наука 1973. – С. 223.

(кериотлар бошлиғи Ўнгхон назарда тутилган бўлса керак) эди. У қорахитоай тоғлари орасида яшаб, кейинчалик мўғулларнинг кериотлар ва меркитлар ҳукмдори бўлди. Қирол Иоан вафот этгандан кейинг, номи зикр қилинган Унк ўзини хон деб эълон қилди мазмунидаги фикрлар келтириб ўтилганлиги билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар мавжуд <sup>12</sup>. Шунингдек, тарихий манбалардаги фикрлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, мўғул истилоси даврида, яъни XIII асрда Чу водийсидаги христиан-несторианлар (насронийлар) аҳолининг анчагина катта салмоғини ташкил этган. 1253 йилда Шарққа салиб юриши уюштирган Франция қироли Людовик IX (1226-1270 йй) буйруғига кўра Шарққа йўл олган Гильом де Рубрук ўз саёхати давомида Еттисувнинг Қоялиқ деган мавзеидан уч француз мили шимолдаги несторианлар қишлоғида бўлганлиги, уларнинг ўз черковлари бўлиб, атрофдаги несторианлар ибодат учун бу ерга келиши ҳақидаги фикрларни келтириб ўтади<sup>13</sup>. Тарихий адабиётларда, шунингдек, XIV асрда Исикқўл бўйларида арман христиан черкови фаолият кўрсатганлиги ҳақидаги маълумотлар бор<sup>14</sup>.

Мўғуллар билан иттифоқ тузиш ва ислом динига эътиқод қилувчиларнинг ҳукмрон табақага айланишига йўл қўймаслик учун христиан динининг турли мазҳабларидаги вакиллар мўғул салтанати ҳукмдорлари билан учрашишга ва уларни христианлик таъсирига олишга интиланлар, деб хулоса қилишимизга тарихий адабиётлардаги маълумотлар имкон беради. Мисол тариқасида айта оламизки, 1248 йили арман подшоси Гетум (1226-1270 йй) нинг укаси Сембат арман христианлик мазҳабини тарғиб қилиш учун Самарқанд шаҳрига келган бўлиб, бу ердаги аҳвол хусусида салиб юришлари натижасида вужудга келган Кипр қироллиги ҳукмдорига ёзган

---

<sup>12</sup> Путешествия в восточные страны Плано Карпини и Рубрука. Редакция, вступительная статья и примечания Н. П. Шастиной. – М.: Государственное издательство географической литературы, 1957. – С. 41.

<sup>13</sup>Рубрук, Гильом де. Путешествие в восточные страны // Путешествия в восточные страны Плано Карпини и Рубрука. Ред., вступ. статья и прим. Н. П. Шастиной. – М.: Государственное издательство географической литературы, 1957. – С. 133.

<sup>14</sup> Бартольд В. В. Отчет о поездке Среднюю Азию с научною целью 1893-1894 гг. // Сочинения. Том IV. – М.: Издательство “Наука”. Главная редакция восточной литературы, 1966. – С. 75.

мактубида сарацинлар (европаликлар томонидан мусулмонларга нисбатан ишлатилган атама) авваллари Шарқдаги христианларни қай даражада даҳшат ва қўрқувда сақлаб турган бўлсалар, эндиликда уларнинг ўзлари ўша даҳшат ва қўрқувдан икки баробар кўпроқ таҳликада яшашга мажбур бўлаётганликларини мамнунлигини яширмай ёзиб маълум қилган<sup>15</sup>.

Салиб юришлари давом этаётган даврида Ўрта Осиёда бўлган Марко Поло Самарқандда христиан дини мазҳабларидагиларнинг анчагина салмоққа эга эканлигини ёзиб қолдирган. Баъзи тарихий адабиётларга кўра, ушбу шаҳарда XIII-XIV асрларда католикларнинг авлиё Иоанн черкови фаолият кўрсатган<sup>16</sup>. Шунингдек, унинг маълумотларида Чигатойхоннинг христианлик динига ўтиши ва Самарқанддаги христианлар бундан хурсанд бўлиб, авлиё Иоанн номидаги черков қуришлари ҳақида ёзилган. Чигатойхон вафотидан кейин эса унинг жияни тахтга чиқиб, христианлар ва мусулмонлар ўртасидаги айрим душманона кайфиятдаги ҳаракатлар кучаяди ҳамда мусулмонлар ўзларидан тортиб олинган қандайдир тошни талаб қиладилар. Марко Поло христианлар ўша тошни черков фундаментида ишлатганликлари ва шу вақтда мўжиза юз бериб, черков фундаментида тошнинг чиқиши ҳақида, шунингдек, у Самарқандда бўлган вақтда ҳам ўша пойдевор ўрни муаллақ турганлиги тўғрисида ёзган<sup>17</sup>.

Мўғуллар истилосининг дастлабки даврларида христиан несторианлар бўлмиш кераит, найман ва уйғурлар Чингизхон ва унинг дастлабки меросхўрлари саройида катта мавқега эга эдилар. Мўғуллар томонидан ислом мамлакатларининг истило этилиши эса Ғарбда авлиё-роҳиб қирол Жоннинг ўғли қирол Давиднинг Бағдодга кириши сифатида талқин этилиб, салбчилар ўртасидаги афсоналарнинг яна қайтадан юзага келишига туртки

---

<sup>15</sup>Бартольд В. В. Еще о христианстве в Средней Азии // Сочинения. Том II, часть 2. – М.: Наука, 1964. – С. 317.

<sup>16</sup> Религии, распространенные в Центральной Азии (URL: [www.orexca.com/rus/religia.shtml](http://www.orexca.com/rus/religia.shtml)).

<sup>17</sup> Книга Марко Поло. Серия: Путешествия. Открытия. Приключения. – Алма-Ата: Наука, 1990. – С. 70.

бўлган<sup>18</sup>. Мўғуллар даври несторианлари ва уларнинг турмуш шароити, диний эътиқодлари билан боғлиқ фикрларни 1253 йилда улуғ хон ҳузурига саёҳат қилган Гильом де Рубрук ёзиб қолдирган. У Олтин Ўрда хонлиги худудида бўлганида Ботухон (1236-1255 йй) нинг ўғли Сартақхон (1255 йилда Жўжи улусини бошқарган) несториан мазҳабида эканлигини эшитади. Аммо, Рубрук католик бўлганлиги сабабли несториан бўлган Сартақнинг асл христианлик эътиқодида эканлигига ишонмаган<sup>19</sup>.

“Христианларнинг Шарқдаги ғалабалари” тўғрисидаги хабарлар Рим папаларига Шарқ ва Ғарб черковларини бирлаштириш, мусулмонлар устидан тўла ғалаба қозониш учун мўғуллар билан иттифоқ тузиш ғоясини беради. Шу нуқтаи-назардан, дастлаб Шарққа 1253 йили Гильом де Рубрук юборилган эди. Рубрук хотираларида шарқдаги христианлар ва христиан динига ҳомийлик қилувчи ёки ўзлари христианликка эътиқод қилувчи мўғул хонзодалари хусусидаги кўплаб маълумотлар сақланиб қолинган<sup>20</sup>. Ушбу мазмундаги элчиликлар кейинчалик кўплаб амалга оширилди. Ҳатто, папалар Шарққа шу мақсадда йўл олган ҳар қандай христианны ўз элчилари деб эълон ҳам қилганликлари билан боғлиқ маълумотлар мавжуд.

Мўғуллар даврида давлатнинг қудратли қабилаларидан бири бўлган кераитлар несториан мазҳабига эътиқод қилиб, улар христианликка 1009 йилда ўтган эдилар. Ўша йили 200 минг кераитлар несторианликни қабул қилиб, уларнинг хони ўз номини Маргус (Марк номининг мўғулча талаффузи) деб ўзгартирган<sup>21</sup>. Ваҳоланки, бунга қадар ҳам кераит қабиласида христианлик тарқала бошлаган эди. Шунингдек, дастлаб давлат ишларида кўплаб фаолият юритган уйғур амалдорларининг анчагина қисми ҳам

---

<sup>18</sup>Jackson P. The Mongols and Europe // The New Cambridge Medieval History, vol. V: c. 1198 – c. 1300, ed. by D. Abulafia. – Cambridge: Cambridge University Press, 1999. – P. 711.

<sup>19</sup>Рубрук, Гильом де. Путешествие в восточные страны // Путешествия в восточные страны Плано Карпини и Рубрука. Ред., вступ. статья и прим. Н. П. Шастиной. – М.: Государственное издательство географической литературы, 1957. – С. 89; 117.

<sup>20</sup>Бартольд В. В. Очерк истории Семиречья // Сочинения. Том II, часть 1. – М.: Издательство восточной литературы, 1963. – С. 61.

<sup>21</sup>Груссэ Р. Империя степей. Атилла, Чингиз-хан, Тамерлан. Перевод Х. Хамраева. – Алматы, 2006. – С. 215.

христианлар эди. Бундан ташқари, 1886 йилда Еттисув (Тўқмоқ ва Пишпак атрофлари) дан XIII-XIV асрларга оид христиан қабрлари топилган бўлиб, қабрларда сурия тилида христианлик матнлари битилган. 1902 йилда эса Гулжа яқинида несториан қишлоғининг топилиши археологик нуқтаи-назаридан мўғуллар истилоси даврида христиан динининг минтақа аҳолисининг анчаггина салмоғи эътиқод қилувчи динларидан бири бўлганлигини кўрсатади<sup>22</sup>.

Мўғулларнинг диний эътиқод эркинлигини эълон қилиши ҳамда ислом дини устунлигининг йўққа чиқарилиши (тарихий адабиётларда Чиғатойхон ислом динининг ашшаддий душмани сифатида таърифланади) Шарқда христианликнинг ривож топиб боришига имкон яратади. 1289 йилда Рим папаси топшириғи билан Бағдодга келган католик мазҳабидаги Рикольдо де Монте Кроче несториан мазҳабидагилар орасида яхши кутиб олинган<sup>23</sup>.

Чиғатой улусида Кепакхон (1309; 1318-1326 йй) дан сўнг қисқа муддат тахтга ўтирган Элчигадой (1326-1329 йй) даврида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида католик мазҳаби тарғиботи бошланиб, салибчиларга ушбу минтақа аҳолиси ёрдам беришига ишонила бошланган. В. В. Бартольд маълумотларига кўра, миссионер Фома Мангазола минтақадаги ўзига юклатилган вазифани бажариб бўлгандан сўнг, 1329 йилда Чиғатой улусини тарк этиб, Авиньонга (Рим папаларининг француз қиролларига тутқинлик давридаги қароргоҳи) қайтган эди. Аммо, папа Иоанн XXII (1316-1334 йй) уни Самарқанд епископи лавозимига тайинлаб, ортга янги вазифалар юклатиб қайтариб юборган<sup>24</sup>. Хулоса, қилиш мумкинки, католик тарғиботи бу даврда юртимиз ҳудудида ҳам мувоффақият қозониб, алоҳида епархиясига эга бўлган. Шунингдек, 1329 йилда Чиғатой улусининг маркази ҳисобланган Олмаликда Или епархияси тузилади. Ривоятларга кўра, касал шаҳзодани

---

<sup>22</sup> Бартольд В. Христианство в Средней Азии(URL: [www.vehi.net/brokgauz/all/111/111054.shtml](http://www.vehi.net/brokgauz/all/111/111054.shtml)).

<sup>23</sup> Ру Ж.-П. Тамерлан / Жан-Поль Ру; пер. с фр. Е. А. Соколова; послесл. В. Л. Егорова; прил. – 4-е изд. – М.: Молодая гвардия, 2007. – С. 208.

<sup>24</sup> Бартольд В. В. Очерк истории Семиречья // Сочинения. Том II, часть 1. – М.: Издательство восточной литературы, 1963. – С. 76.

даволаган роҳиблар хон эътиборини қозониб, бу ерда черков қуришга ва салмоқли кишиларни чўқинтиришга мувоффақ бўладилар. Олмаликка Рим папаси томонидан Паскал де Витториа епископ этиб тайинлаю юбрилганлиги ҳақида тарихий адабиётларда келтириб ўтилган<sup>25</sup>. Ушбу воқеялик Шарқдаги христианларни Папа қўл остида бирлаштириш ғоясининг амалий натижаларидан бир лавҳа холос.

Сиёсий муносабатларда ҳам Яқин Шарқдаги давлатлари орасида ўзаро қураш тўхтовсиз давом этганлигини тарихий адабиётлардаги маълумотлар орқали билиб олиш мумкин. Ҳатто, салиб юришлари иштирокчилари хроникаларида бу ҳақда; “Мусулмон ҳукумдорларининг ҳокимияти омонат, уларга хизмат қилаётганлар ҳокимият учун бир-бирини ўлдириб мансабга ўтиришга уринадилар<sup>26</sup>”-тарзидаги маълумотларни ўқиш мумкин.

Миср Аюбийлари ва “хоразмликлар” салбчилар ва ўзаро душманарига қарши бир неча бора иттифоқ тузган бўлиб, ҳатто, Жалолоддин Мангуберди ҳаётлик вақтидаёқ унинг бошчилигида Аюбийларнинг ўзаро қурашларига аралашган ҳам эдилар. 1219 йили Мисрнинг Аюбийлар сулоласидан бўлган Одил султон вафот этиб, унинг уч ўғли мамлакатни ўзаро бўлиб олишади. Аммо, ака-укалар ўртасида мамлакатни ягона тахт ҳукумронлиги остида бирлаштириш учун қураш авж олган эди. Тарихий адабиётлардаги маълумотларга қараганда, уларнинг ҳар бири Жалолоддин Мангуберди билан иттифоқ тузишга уринган ва қолган тахт даъвогарларини мағлуб этишиб, Аюбийлар давлатини бирлаштиришга уринган. Жалолоддин Мисрда ҳукронлик қилувчи Малик ал-Комил, Хилот, Маёфариқин ва Жазирага ҳокимлик қилган ал-Ашрафларнинг биргаликда укалари Сурия ҳокими ал-Муаззамга қарши бирлашиб ҳужум қилаётганлиги сабабли, келажакда ўлжа ва сиёсий етакчилик мавқеини қўлга киритиш мақсадида

---

<sup>25</sup> Ру Ж.-П. Тамерлан / Жан-Поль Ру; пер. с фр. Е. А. Соколова; послесл. В. Л. Егорова; прил. – 4-е изд. – М.: Молодая гвардия, 2007. – С. 208.

<sup>26</sup> Гибб.Г. Дамасские хроники крестоносцев/Пер.с англ. Е.Б. Межевитинова. – М.: ЗАО Центрполиграф, 2009. – С. 145.

малик ал–Муаззамга ёрдам кўрсатишга қарор қилади. Ибн ал Асир келтириб ўтган маълумотларига кўра, Жалолиддин ал–Муаззам билан биргаликда унинг акаси Хилот, Маёфариқин ва Жазирага ҳокимлик қилувчи ал–Ашраф ерларига 1226–1230 йиллар давомида тўрт марта босқин ташкил этган ва иттифоқчилар ўз даврининг йирик ва муҳим шаҳарларидан бўлган Хилотни эгаллаганлар<sup>27</sup>. “Миср тарихи” асарида ёзилишича, Дамашқ султони Айюбий Малик ал–Муъаззам ўзига қарши икки акаси иттифоқ тузгач, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан оғир аҳволда қолади. Жалолиддин Мангубердининг ўзи томонидан урушга кириши учун, ўзини Жалолиддин Мангубердига ўзини вассали деб тан олган. Вассаллик белгиси сифатида эса, унинг номини хутбага қўшиб ўқитганлиги ва ўз тангаларида Жалолиддин Хоразмшоҳ номини ёзиб танга пул зарб этганлиги билан боғлиқ фикрларни учратиш мумкин<sup>28</sup>. Афсуски, ҳозирга қадар Жалолиддин Мангуберди ва Айюбийлардан бўлган Малик ал – Муъаззам номи ёзилган тангалар топилгунича йўқ. Шу сабабли юқорида келтирилган маълумотларни тўлалигича тўғри деб қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

Ғарбда диний мутаассиблик авж олган ва салиб юришлари диний адоватни авж олдиришига қарамасдан юртимизда диний бағрикенглик анъаналари ҳукм сурганлигини тарихий адабиётлардаги маълумотлар тасдиқлайди. Ғарб адабиётларида диний мутаассиб сифатида қораланган Амир Темур давлатида христиан динининг барча мазҳаблари ривожланганлиги алоҳида характерлидир. Жумладан, бу даврда Кичик Осиёдаги юнон христиан черкови, монофизистлар, грузин ва зих (черкаслар) черкови, мелькитлар, Антиохия ва Иерусалим патриархларига бўйсунувчилар, маронитлар, Салавкия-Ктесифон черковига бўйсунувчи несторианлар, арман миллий черкови ҳамда яковитлар ўз эътиқодларига

---

<sup>27</sup> Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насафий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти/Матёқубов тарж./ - Т.: O'zbekiston, 2006. – Б. 377., Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-Та'рих (“Полный свод истории”) Избранные отрывки. Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П. Г. Булгакова. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш. С. Камолиддина. – Ташкент – Цюрих, 2005. – С. 230.

<sup>28</sup> Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насафий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти/Матёқубов тарж./ - Т.: O'zbekiston, 2006. – Б. 364.



бемалол амал қилиб яшардилар. Ғарб тарихчилари таъкидлаганидек, Амир Темур яковитларни диний таъқиб орқали жазолаганлиги билан боғлиқ маълумотлар тарихий манбалар орқали ўз тасдиғини топган эмас. Эҳтимол, XIV асрда Хоразмда бу мазҳабнинг кенг тарқалгани ва Амир Темурнинг Хоразмга бир неча маротаба ҳарбий юриш уюштириши бу уйдирманинг вужудга келишига сабаб бўлгандир. Аммо, маҳаллий аҳолининг катта қисми эътиқод қилган ислом динидагилар ҳам бу ҳарбий ҳаракатларда катта зарар кўрган бўлиши табиий. Жан-Поль Ру маълумотларида Амир Темурнинг ҳарбий ҳаракатлар амалга ошириш жараёнида қисман грузин ва арман черковларига зарар келтирганлиги ҳақида айтиб ўтилади<sup>29</sup>. Аммо, бу ҳарбий ҳаракатлар жараёнидаги воқеликлар билан боғлиқ бўлиб, урушлар сиёсий мақсадларни кўзлаб амалга оширилган. Бу урушларда дин, ҳатто, баҳона вазифасини ҳам ўтамаган.

Хулоса қилиб айтганда, салиб юришлари даврида Шарқ мамлакатлари ҳақидаги тасаввурлар ортиб борди. Ушбу тасаввурларнинг диний жиҳатида Шарқдаги христианлар тўғрисидаги афсонавий карашлардан, диний миссионерлик даражасига ўсиб чиққанлигини кўриш мумкин. Салибчилар ўзларига Шарқдан қирол Жон ёки Давид тимсолида мусулмонларга қарши ҳарбий “ёрдам” етиб келиши тўғрисидаги тасаввурлардан, Шарқ ва Ғарбдаги христиан мазҳабларини Рим папалари қўл остида бирлаштириш режаси ва уни амалга оширишда ҳам бир қадар мувоффақиятларга эришганлар. “Хоразмликлар” эса, салбчиларга қарши мувоффақиятли кураш олиб бориб, ислом мамлакатларини салибчилар хавфидан сақлаб қолишга ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшганлар.

---

<sup>29</sup> Ру Ж.-П. Тамерлан / Жан-Поль Ру; пер. с фр. Е. А. Соколова; послесл. В. Л. Егорова; прил. – 4-е изд. – М.: Молодая гвардия, 2007. – С. 203-204.

## **“Хоразмликлар” ва уларнинг мусулмон давлатлари билан муносабатлари**

Жалолиддин Мангуберди вафотидан сўнг, унга итоат этувчи аскарлар етакчисиз ва айни вақтда мақсадсиз бир гуруҳга айланиб қолганлар деган хулоса чиқариш нотўғри бўларди. Тирикчилик илинжи ва мўғуллар билан узоқ давом этган курашлар жараёнида хоразмлик аскарлар ўзига хос бир жангчи тоифасига айланиб қолганлар, улар тирикчилигининг асосий манбаи уруш бўлиб қолган. Тинимсиз урушларга ўрганиб қолган Хоразм аскарлари Жалолиддин вафотидан кейин, Хусамиддин Кирхонни олий саркарда, унинг вафотидан сўнг, Муҳаммад Барокотхонни, ва ёрдамчи саркардалар Йиланг Буғу, Сарихон, Хонберди, Сайфуддин Содикхон, Атласхон, Носириддин Кушлухонларни етакчилар сифатида сайлаб, Нисибин, Мўсул, Синжор, Ирбил ва бошқа шаҳарларига фақатгина ўлжа топиш илинжида босқинлар қилганликлари, уларнинг резиденцияси Харрон шаҳри бўлганлиги билан боғлиқ маълумотлар ўша даврда яшаган муаррихлар томонидан ёзиб қолдирилган<sup>30</sup>. Бир сўз билан айтганда, хоразмлик аскарлар тирикчилик учун ёлланма аскарларга, яъни марадиёрларга айланиб қолганлар.

Ушба ҳарбий кучни 1231 йилдаёқ Кония султони Қайқубод I ўз хизматиغا ўтишни таклиф этади. Уларнинг ҳарбий кучларидан фойдаланиб, ўз ҳудудини кенгайтириш ва қудратини оширишни режа қилган Кония султони тарихий адабиётлардаги маълумотларга қараганда, хоразмлик саркардаларга хизматлари эвазига Арзинжон ўлкасини икъто қилиб беради. Шунингдек, хоразмликлар ёрдамида ўзининг рақибларига қарши курашни ҳам пайсалга солмай, 1233 йилда Аюбийлар давлати ерларини босиб олишга ҳам ҳаракат қилади. Шу йили аюбийлардан бўлган Малик ал-Ашрафдан Хилот вилояти ерларини тортиб олишга мувоффақ бўлади. Урушда кўрсатган хизматлари эвазига хоразмликларнинг саркардалари бўлган Кушлухонга-ларенда шаҳрини, Йаган Тогдихонга-Нигд шаҳрини, Муҳаммад Барокотхонга-

---

<sup>30</sup> Буниятов З. М. Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов. 1097 – 1231. – М.: Наука, 1986. – С. 188-189.

Амасия худудларини икъто сифатида берганлигини кўриш мумкин. Ушбу истилодан норози бўлган Аюбийлар етакчиси Миср султони ал-Комил Кония султони устига аюбийларнинг бирлашган қўшини билан бостириб келишига карамай, тоғ йўлларини мустаҳкам ҳимоя қилиб турган хоразмлик аскарлар саъй-ҳаракатлари билан натижасиз тугайди<sup>31</sup>.

Тарихий адабиётлардаги маълумотларни таҳлил қилиб айтиш мумкинки, кейинги ҳарбий ҳаракатлар натижаси сифатида хоразмликлар ва уларнинг иттифоқчиси биргаликда қилган уринишлари мукофоти Уфа, Сиверека ва Ракка шаҳарларининг Аюбийлар сулоласидан тортиб олинганлигини кўриш мумкин. Аммо, бу шаҳарлар тезда яна Кония слтони кўлидан чиқиб кетади. Адабиётларда Кония султони Қайқубод бу ҳолатда эътиборсизлик қилган деган баҳона билан хоразмлик саркардалар етакчиси Кирхон Маликни айблаганлиги билан боғлиқ маълумотлар келтирилган. Қайқубод аюбийларга қарши навбатдаги ҳарбий юришни ташкил этаётган даврда вафот этади. Унинг вафотидан сўнг тахтга ўтирган ўғли Кайхусрав хоразмликларни ўзига тўлиқ бўйсундириш, итоатда тутиш ва уларни ўз буйруқларини сўзсиз бажаришлари учун етакчи саркардасини жазоламоқчи бўлади. Шу сабабли Кирхон Маликни Замонту қалъасига қамайди. Бу ерда Кирхон Малик касалланиб тез орада вафот этади<sup>32</sup>. Бу эса, хоаразмликлар ва Кония султони ўртасидаги муносабатлар узил-кесил барҳам топганлигини англатар ва хоразмликлар ҳукумдорсиз, мулксиз, ватансиз қолган кишилар гуруҳига айланиб қолганликларини англатган.

Шундан сўнг, хоразмликлар Кония султонлиги ерларини тарк этишга қарор қиладилар. Хоразмликларга яшаш учун икъто мулк ва ўз хизматини

---

<sup>31</sup> Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-Та`рих (“Полный свод истории”) Избранные отрывки. Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П. Г. Булгакова. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш. С. Камолитдина. – Ташкент – Цюрих, 2005. – С. 232.

<sup>32</sup> Орзиев М.З., Латипов Ж.Л. Салиб юришлари ва унга қарши курашда-“Хоразмликлар” фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг-Истеъдод жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Бухоро муҳандислик-технология институти томонидан ўтказилган “XXI аср-интеллектуал авлод асри” худудий илмий-амалий анжумани тўплами (2015 йил 5-6 июнь) – Бухоро. 2015. – Б. 64.

таклиф этган аюбийлардан бўлган ва Жазира ерлари ҳуқумдори Малик ас-Солиҳ хизматига кириш учун йўлга отланганлар. Ўз навбатида Кония султони жанговар ва яхши ҳарбий таълим кўрган кўшинларни кўлдан чиқаришни истамайди. Хоразмликларни тўхтатиш учун катта кўшин юборади. Хоразмликлар ўзларини таъқиб этган Кония султонлиги аскарларини енгиб, катта ўлжа оладилар. Аюбийлардан бўлган Малик ас-Солиҳ хоразмликларга икътo сифатида Саружа, Харрон, Ракка шаҳарларини бериб, уларни ушбу ерларга жойлашишларига руҳсат беради <sup>33</sup> . Хоразмликларнинг Жазирга келиши кучлар нисбатини ўзгартиришига ва Жазиранинг ҳарбий қудратини ошишига хизмат қилади. Малик ас-Солиҳ муносабатларни қариндошлик даражасига кўтариш орқали бу қудратли ҳарбий кучни ўз салтанатида тутиб туришга ҳаракат қилган. Бунинг учун у ўз синглисини —хоразмликларнинг Кирхон Малиқдан сўнг етакчи саркардаси бўлган Муҳаммад Барокатхонга турмушга узатиш орқали мақсадига эришишга ҳаракат қилади<sup>34</sup>.

1237 йилда Дамашқ ҳуқумдори аюбийларидан бўлган ал-Ашрафнинг вафот этиши, ўзарo ички курашларни авж олишига ва Аюбийларнинг ҳар бири ушбу шаҳарни истило қилишга зўр бериб ҳаракат қилишига туртки бўлганлигини тарихий адабиётларда келтирилган маълумотлар орқали билиб олиш мумкин. Хоразмликлар билан ас-Солиҳ ўртасидаги муносабатлар эндиликда ўлжалар тақсимотида ёмонлашиб, хорамликлар ўз хўжайинларига қарши исён кўтаришлари сабаб бўлади. Хоразмликларни норозилиги учун жазоламоқчи бўлган ас-Солиҳни кўшинлари енгиб, унинг барча бойлиги хоразмликларнинг қўлига ўтиб кетган. Манбаларда, хоразмликлар ас-Солиҳнинг ўзини асир олишга ҳаракат қилганликлари билан боғлиқ

---

<sup>33</sup> Хилленбранд К. Крестовые походы. Взгляд с Востока: мусилманская преспективо/пер. с англ. – СПб.: “Издательство “ДИЛЯ”, 2008. – С. 219.

<sup>34</sup> Орзиев М.З., Латипов Ж.Л. Салиб юришлари ва унга қарши курашда-“Хоразмликлар” фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг-Истеъдод жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Бухоро муҳандислик-технология институти томонидан ўтказилган “XXI аср-интеллектуал авлод асри” ҳудудий илмий-амалий анжумани тўплами (2015 йил 5-6 июнь) – Бухоро. 2015. – Б. 64.

маълумотлар сақланиб қолинган. Шунингдек, ас-Солиҳ хоразмликлар таъқибидан қочиб Синжар шаҳрига бориб яширинишга мажбур бўлган. Аммо, бу ерда унинг ашшаддий рақиби ҳисобланган Мосул ҳокими Бадриддин Луълу уни қалъада қамал қилган. Ҳеч бир иттифоқчиси қолмаган ас-Солиҳ Бадриддин Луълуга ўзаро иттифоқ тузиш, биргаликда хоразмликларга қарши курашиш мақсадида бўлса керак рақиби ва душманидан сулҳ тузиш тўғрисида элчи юборади<sup>35</sup>. Сулҳ тузиш таклифига Мосул ҳокими Бадриддин Луълу рози бўлмагандан сўнг, ас-Солиҳ хоразмликларга мурожаат қилиб, ўзаро адоватни тўхтатиш ва ўзини қамалдан хоразмликлар қутқариши эвазига уларни тақдирлаши, бундан сўнг уларга ортиқча зулм ўтказмаликка ва хоразмликларга икъто сифатида Синжар, Харрон, Рух ҳудудларини беришни ваъда қилади. Хоразмликлар ўз навбатида истило қилган ҳудудларида маҳаллий аҳоли улардан норозилиги ва уларнинг давлатчилик, бошқарув тажрибалари етишмаслиги инобатга олиб ушбу таклифни қабул қилган бўлсалар керак. Чунки, ҳеч қандай ҳокимиятга эга бўлмаган ас-Солиҳнинг таклифини қабул қилишларини бошқача изоҳлаб бўлмайди. Хоразмлик аскарлар ас-Солиҳга ёрдамга келиб Бадриддин Луълу аскарларни мағлубиятга учратадилар. Хоразмликларнинг кўқисдан ва яшин тезлигидаги ҳамлалари натижасида Бадриддин Луълу шошлинч чекинади, бунинг оқибатида эса, ўлжалар билан бирга унинг хазинасини ғолиблар кўлига тушганлиги тарихий адабиётлардаги маълумотлар тасдиқлайди<sup>36</sup>. Хоразмликлар билан бўлган тўқнашувдан ас-Солиҳ ҳам ўзига етарли даражада хулоса чиқариб олган бўлса керак. Чунки, бундан сўнг унинг бир ўзи хоразмликларга қарши чиқишга ботина олмаган ва ҳар сафат хоразмликларга қарши курашиш мақсадида бир неча ҳукумдорлар билан иттифоқ тузиб курашган. бу ҳусусда биз кейинги бандларда тўхталиб ўтамыз.

---

<sup>35</sup> Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насафий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти/Матёкубов тарж./ - Т.: О'zbekiston, 2006. – Б. 377.

<sup>36</sup> Буниятов З. М. Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов. 1097 – 1231. – М.: Наука, 1986. – С. 188.

Хоразм аскарлари ўзи томонига ўтгандан кейин, уларнинг ёрдамида ас-Солиҳ тез орада аввал ўзига қарашли бўлган ерларини қайтариб олишга мувоффақ бўлади. Ўз давлати ҳудудини қайта тиклаган ас-Солиҳ эндиликда хоразмликлар иродасини бажарувчи қўғирчоқ ҳукумдорга айланиб қолганди. Ўзи учун ушбу ноқулай вазиятдан чиқиб кетиш учун ас-Солиҳ хоразмликларнинг ўзидан фойдаланишга ҳаракат қилганлигини тарихий адабиётлардаги маълумотлар тасдиқлайди. Дастлаб у ўз қариндошлари аюбийлар қўл остида бўлган ва иқтисодий жихатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган Сурия ҳудудларини ўз давлатига қўшиб олишга ҳаракат қилади. Мувофақият қозона бориб, Суриядаги энг йирик шаҳар, сиёсий ва иқтисодий, маданий марказ бўлган Дамашқ шаҳрини 1239 йилда хоразмликлар ёрдамида босиб олишга мувоффақ бўлади. Ас-Асолиҳ қўл остида Сурия ва унга туташ бўлган ҳудудлар тўпланади<sup>37</sup>. Аммо, Бу ҳали хоразмликларга қарши чиқиш учун етарли кучга эга бўлишни англамасди. Шунингдек, ас-Солиҳ давлати атрофида ҳам унинг рақиблари ҳали етарли даражада топилиши мумкин эди. Шунингдек, қариндошлари бўлган аюбийлар ҳам у билан ҳисоблашишмасди.

Ас-Солиҳ билан душманона кайфиятда бўлмасда, бу вилоятга ҳарбий юриш уюштирилади. Хомс хоразмликларга ўлпон тўлашга мажбур қилинади ва ўз вилоятини вайронагарчиликдан асраб қола олади. Тарихий адабиётларда ас-Солиҳнинг Хомсга ҳужум қилиш ҳақида буйруқ берганлиги тўғрисидаги маълумотлар учрамайди. Таъкидлаш лозимки, хоразмликлар эндиликда қудратли ҳис этиб, ас-Солиҳ билан умуман ҳисоблашмаганлар, деб хулоса қилиш мумкин. 1239 йилда Хомс ҳукумдори Асадиндин Ширкух хоразмликларнинг бу ўлкага ҳужумидан қутилиш, варонагарчилик ва қирғинбаротдан сақланиб қолиш эвазига хоразмликларнинг ҳужумидан катта ўлпон тўлаш эвазига халос бўлишга мувоффақ бўлади<sup>38</sup>. Бу

---

<sup>37</sup> Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-Та'рих ("Полный свод истории") Избранные отрывки. Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П. Г. Булгакова. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш. С. Камолиддина. – Ташкент – Цюрих, 2005. – С. 231.

<sup>38</sup> Буниятов З. М. Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов. 1097 – 1231. – М.: Наука, 1986. – С. 189.

воқеъликлар эса, хоразмликларнинг Яқин Шарқдаги йирик сиёсий кучга айланганлиги ва уларнинг таъсири кучайиб бораётганлигини кўрсатади.

Хоразмликлар ёрдамида катта ҳарбий куч тўпланган бўлсада, ас-Солиҳ ҳали уларга қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлай олмасди. Чунки, хоразмликлар билан бошланган уруш учун иқтисодий ва сиёсий таянч ҳудуд зарур бўлишини у яхши англаган. Қолаверса, Яқин Шарқдаги ҳарбийларнинг кўпчилиги эндиликда хоразмликлар билан очиқ кураш олиб боришдан чўчир ҳам эди. Ҳар ҳолда ас-Солиҳ томонидан Мисрни ўз салтанаига қўшиб олмасдан туриб хоразмликларга қарши бирор сиёсий ва ҳарбий тадбир уюштирганлиги шундай хулосага келиш имконини беради. Миср эса, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан Яқин Шарқдаги энг йирик мамлакат бўлиб ҳисобланар эди. 1240 йилда ас-Солиҳ ўз акаси Миср ҳукумдори ал-Одил аюбийга қарши кураш бошлаб, ҳарбий юриш уюштириради. Бу сафар Миср истилоси учун хоразмликлар эмас, балки бошқа кўшин, яъни арман, курд, араб ва бошқа халқлардан тузилган мамлук аскарлар билан бостириб боради. Сурия ҳудудларида қолган хоразмликлар эса, назоратсиз қолдирилиб, улар яқин атрофдаги шаҳарларни талай бошлайдилар. Ас-Солиҳ 1240 йил июнь ойида пойтахт Қоҳирани эгаллаб, акаси ал-Одилни тахтдан ағдаради ва уни қамаб қўяди. Шундан сўнг у ўзини Миср ҳукумдори деб эълон қилади<sup>39</sup>. Эндиликда ас-Солиҳ қўл остига миср ва сурия ҳудудлари тўпланган бўлиб, хоразмликлар билан бемалол кураш олиб бориш имконига эга бўлади.

Миср истилосидан сўнг ас-Солиҳ ва хоразмликлар ўртасидаги муносабат ёмонлашиб, иттифоқ ашаддий рақибликка айлана бошлайди. Хоразмликлар Суриядаги Бабар ва Балис шаҳарларини ишғол қиладилар ва бу ерларда вайронагарчилик келтирадилар. Ўлжа олиш мақсадида қилинган талон-тарож хоразмликлардан маҳаллий аҳолининг норозилигини янада

---

<sup>39</sup> Хилленбранд К. Крестовые походы. Взгляд с Востока: мусилманская перспектива/пер. с англ. – СПб.: “Издательство “ДИЛЯ”, 2008. – С. 627.

кучайтириб юборади. Вазиятдан фойдаланган Мосул ҳокими Бадриддин Луълу хоразимликлар билан иттифоқ тузиб, бирлашган қўшинлар 1240 йилда Синжар вилояти ҳудудини босиб олади. Бу шаҳар Бадриддин Луълунинг ўлими (1279 й)га қадар унинг қўл остида қолди<sup>40</sup>. Бизнинг фикримизча, хоразимликларнинг бундай йўл тутишига асосий сабаб, ас-Солиҳнинг хоразимликлар ҳарбий кучидан Миср истилосида фойдаланмагани ва уларга ўлжа олиш имкони бермаганлигида бўлган. Бу эса, тирикчилиги фақат ҳарбий иш бўлиб қолган хоразимликларни моддий таъминотдан узиб қўйиш билан баробар бўлган. Шу сабабли улар эндиликда ўзларининг манфаатларига мос сиёсат юритишга рози бўлган Мосул ҳокими Бадриддин Луълу хизматига ўтган бўлсалар керак, деб хулоса қилиш мумкин. Шу ўринда табиий савол туғилади, хоразимликлар нега Яқин Шарқда ўз давлатлари ёки мулкларини тузмадилар. Тарихий адабиётлардаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, хоразимликлар асосан ҳарбий хизматчилардан иборат бўлиб, уларнинг давлат тузиш ва бошқариш тажрибалари етарли даражада бўлмаган, иккинчидан, хоразимликлар маҳаллий аҳоли учун ёт-келгинди кишилар эди. Учинчидан, хоразимликларнинг тинимсиз талончилиги уларни Яқин Шарқ аҳолиси томонидан қўллаб-қувватланмаганлиги бўлса, ва ниҳоят тўртинчидан айрим тарихий адабиётларда хоразимликларни чин мусулмон динида эмасдилр, улар номигагина ислом динига эътиқод қилардилар деган фикр-мулоҳазалар ҳам келтириб ўтилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин<sup>41</sup>.

Мисрни эгаллаш ва бой ўлжаларни қўлга киритишдан маҳрум қилинган хоразимликлар ўзлари мустақил равишда ўлжа олиш илинжида Сурия ҳудудидаги шаҳар ва қишлоқларни талашга киришганликлари юқорида келтириб ўтилганди. Улар эндиликда янги иттифоқчи топиб, унинг ҳомийлиги остида ҳарбий ҳаракатларни олиб бора бошлайдилар. 12 минг

---

<sup>40</sup> Буниятов З. М. Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов. 1097 – 1231. – М.: Наука, 1986. – С. 190.

<sup>41</sup> Хилленбранд К. Крестовые походы. Взгляд с Востока: мусулманская перспектива/пер. с англ. – СПб.: “Издательство “ДИЛЯ”, 2008. – С. 210.



кишидан иборат хоразимликлар қўшинлари Мосул ҳокими Бадриддин Луълу қўшинлари билан бирлашиб, Халабни қамал қиладилар. Халаб каттик қаршилиқ қилиши ва шаҳарни ишғол этиш имкони бўлмаганлигига қарамай, унинг атрофларидаги қишлоқлар таланиб, бой ўлжалар олишга мувоффақ бўлинади. Шундан сўнг, хоразимликлар Манбиж шаҳрини талаб, вайрон қиладилар ва аҳоисини қирғин қиладилар. Хоразимликлар ушбу қирғиндан сўнг қисқа муддат нафас ростлаш мақсадида Харрон шаҳрига ўзларининг доимий резиденцияларига қайтадилар<sup>42</sup>.

Бир оз муддатдан нафаст ростлагандан сўнг хоразимликлар Суриянинг Ракка шаҳри яқинида Ефрат дарёсини кечиб ўтиб, Жибул, Телл Эъзоз, Сурмин ва Маъарра шаҳарларини талон тарож этадилар. Хоразимликларнинг талончилик юришлари маҳаллий аҳолининг тинқасини қуритгани, аҳоли эндиликда ўз ҳукумдорларини мамлакатда тинчлик ўрнатувчи куч сифатида қўллаб-қувватлашига сабаб бўлган дейишимизга барча асослар етарли. Шунингдек, хоразимликларга қарши ҳарбий коалиция ҳам шаклланиши учун қулай вазият вужудга келганди. Жибул, Телл аъзоз, Сурмин ва Маъарра шаҳарлари таланишига қарши маҳаллий ҳукумдорлардан Хомс ҳокими ал-Малик ал-Мансур ва ас-Солиҳнинг Дамашқдаги ноиб ҳокими ас-Солиҳ Исмоил биргаликда кураш олиб боришга келишиб оладилар. Уларнинг бирлашган қўшинлари хоразимликлардан катта устунликка эга бўлиб, 1241 йилда уруш ҳаракатларини бошлаб юборадилар. Натижада, хоразимликлар мағлуб этилиб, ўзлари эгаллаб турган ҳудудлардан сиқиб чиқарила бошланадилар. Шу пайтгача уларга қарашли бўлган Нисибин, Дар, Ракка, Рух, Саруж, Раъс ал-Айн каби шаҳарларни рақиблари қисқа фурсатда хоразимликлардан тортиб олишга мувоффақ бўладилар<sup>43</sup>. Хоразимликлар эндиликда бирлашган катта ҳарбий кучларга қарши оғир курашлар олиб

---

<sup>42</sup> Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-Та'рих ("Полный свод истории") Избранные отрывки. Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П. Г. Булгакова. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш. С. Камолиддина. – Ташкент – Цюрих, 2005. – С. 239.

<sup>43</sup> Hitti P. K. History of the Arabs. London, 1940. – p. 211.

боришишга мажбур бўлиб, уларнинг иқтисодий асосларига путур ета бошлаганди.

Иттифоқчилар бу ғалабалар билан чекланиб қолмасдан Хоразмликларнинг асосий резиденцияси бўлган ва оилалари жойлашган Харрон шаҳрини ҳам қамал қилиб, шаҳарни истило қилишга мувоффақ бўлганлар. Ушбу мағлубиятдан сўнг хоразмликлар учун Сурия ҳудудидан бирор-бир бошпана ва яшаш манзили қолмаганди. Уларни Сурия ҳудудидан сиқиб чиқарилганлиги, аюбийлар салтанатига катта хавф туғдира олмаслиги хусусидаги фикр-мулоҳазалар тарихий адабиётларда учрайди. Хоразмликлар эндиликда ўзлари учун янги жой ва яшаш манзили излашга мажбур бўлганликлар ва тез орада ўзлари учун янги ҳукумдор топишга мувоффақ бўладилар<sup>44</sup>.

Хоразмликларнинг навбатдаги ватани Майофириқидин бўлиб, уларнинг ушбу ўлкага келиши аввалги хўжайинлар таклиф қилгани сингари ҳарбий хизмат заруратидан эди. Бу пайтда Маёфириқидан Кония султонлиги тазйиқига учраган бўлиб, султон Кайхусрав бир неча бора Майофириқидинга талончилик юришлари уюштирганди. 1241 йилда Майофириқидин ҳокими ал-Малик ал-Музаффар хоразмликлар билан келишувга эришади. Шартлашувга кўра, хоразмликлар Майофириқидин ерларини Кония султони Алоуддин Кайхусравнинг ҳужумларидан муҳофаза қилишлари лозим эди. Ал-Малик ал-Музаффар ва хоразмликларнинг бирлашган кучлари шу йили биргаликда Амид шаҳрига ҳужум қиладилар. Кония султонлиги ҳудудига қилинган бу ҳужум вақтида, хоразмликларнинг яна ҳарбий ва сиёсий куч сифатида юксалишини истамаган аюбийлар уларнинг ўзлари орқа томондан ҳужуми қилиб, Кония султонлигига амалий ёрдам беради. Аюбийлар Майофириқидин ерларини талаб, бой ўлжалар билан Халаб шаҳрига қайтадилар<sup>45</sup>. Ушбу мағлубиятдан сўнг, хоразмликларнинг Яқин Шарқда

---

<sup>44</sup> Буниятов З. М. Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов. 1097 – 1231. – М.: Наука, 1986. – С. 191.

<sup>45</sup> Petry C. F. The Cambridge History of Egypt. Vol. 1, Islamic Egypt, 640 – 1517. Cambridge: Cambridge University Press, 1998. – p. 136; 394.

бирор-бир яқин иттифоқчиси қолмаганлигини кўришимиз мумкин. Аюбийлар бирлашган давлатга айланган, бунинг устига Кония султонлиги билан биргаликдаги иттифоқ анча қудратга эга бўлиб, хоразимликлар учун Мосул ва Майофириқидин ҳокимлари ҳам эндиликда ушбу иттифоқ олдида ожизликлари сабабли ўз ҳомийликларини таклиф этмаган кўринади. Шундай бўлсада, Майофириқидин билан бошланган курашда хоразимликлар ўз хўжайинларини ташлаб кетмаганлар. Улар ал-Малик ал-Музаффар хизматини унинг мағлубиятга учраши аниқ бўлган вақтда ҳам давом эттирганлар. 1242 йил августида хоразимликлар ва аюбийлар ўртасида шиддатли жанг бўлиб ўтади. Жангда сон жиҳатидан озчиликни ташкил этган хоразимликлар гарчи қаҳрамонона кураш олиб борган бўлсаларда, мағлубиятга учрайдилар<sup>46</sup>. Бунинг устига узок вақт биргаликда қилинган ҳамкорлик аюбийларга хоразимликлар ҳарбий тактикаси ўзлаштириб олиш имконини берганди. Чекиниш вақтида уларнинг чодирлари, бойликлари рақиблари қўлига ўлжа сифатда тушади. Аюбийлар қўлга киритган катта ўлжалар орасида Майофириқидин ҳуқумдори хазинаси ҳам уларнинг қўлига тушиб қолиши, мағлубият узил-кесил бўлганлигидан далолат беради.

Хоразимликлар шундан сўнг, бир неча бора яна ички низолардаги ҳарбий ҳаракатларда иштирок этадилар. Шундай бўлсада, кейинги икки йил хоразимликларнинг сиёсий ҳаётдаги иштирокига оид маълумотлар тарихий адабиётларда келтириб ўтилмаганлигини кўриш мумкин. 1242-1244 йилларда Кония султони Ғиёсиддин Кайхусрав хоразимликларни ўзи хизматига ўтишга бир неча бора уриниб кўради. Кайхусрав хоразимликларга ўз давлатининг чегараларида икъто ерлари ваъда қилиб, адоватни унитишни, уларга бой ўлжалар ваъда қилиш каби ваъдалар орқали ўзига хизмат қилишларини сўрайди. Ўз навбатида хоразимликлар Кония султонининг бош саркардалари Кирхон Маликни қамоққа олгани ва унинг қамоқда касалланиб ўлимига сабаб бўлиши билан бошланган адоват сабабли, хоразимликлар

---

<sup>46</sup> Holt P. M. Lambton A. K. S. Lewis B. The Cambridge history of islam. Vol. 1A, The Central islamik lands from pre – islamik Times to the first world war. - Cambridge. Cambridge University press, 1970. – p. 243.

унинг таклифини бутунлай рад этадилар. Кейинги икки (1242-1244 йиллар) йил мобайнида улар Сурия шимолида асосан кўчманчи ҳаёт тарзида яшайдилар<sup>47</sup>.

Хоразимликларнинг Яқин Шарқдаги Кония султонлиги, аюбийлар давлати, Мосул ва Майофириқидин ҳукумдорлари билан муносабатлари бир текис тарзда амалга оширилмади. Юқорида номлари тилга олинган ҳукумдорлар хоразимликлардан ўз манфаатларини амалга ошириш учун фойдаланиб қолган бўлсалар, ватанидан қувилган хоразимликлар яшаб қолиш ва оилаларини боқиш мақсадида ёлланма аскарларга айланиб қолдилар. Ўрта асрларга оид Ғарб тарихий адабиётларида уларни марадёрлар<sup>48</sup> деб аташ расм бўлганлиги юқоридаги фикрларни тўла асослайди. Энг асосийси хоразимликлар Жалолиддин Мангуберди вафотидан сўнг ҳам ўзларининг Яқин Шарқдаги қудратли куч эканликларини яхши англаган ҳолда минтақадаги сиёсий вазиятни ўзгартира оладиган куч эканликларини бир неча бора кўрсата олдилар. Ўзларининг кам сонли эканлигига қарамай хоразимликлар ҳатто, ашаддий душманларини ҳам ўзларига ҳурмат билан қарашга мажбур эта олганлар. Хоразимликларнинг ислом олами учун қилган энг улуғ ишларидан бири бу Қуддус шаҳридан салибчиларни тўлиқ қувиб чиқаришлари эди, десак муболаға бўлмайди.

---

<sup>47</sup> Буниятов З. М. Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов. 1097 – 1231. – М.: Наука, 1986. – С. 191.

<sup>48</sup> Amitai-Preiss R. Mongols and Mamluks: the Mamluk–Ilkhanid War, 1260–1281. Cambridge: Cambridge University Press, 1995. – p. 619.

## **“Хоразмликлар”нинг салиб юришларига қарши курашдаги фаолияти**

XIII асрнинг бошларида Яқин Шарқда диний–сиёсий курашлар кескинлашиб, христиан мутаассиблари томонидан ташкил этилган салб юриши давом этаётган бир давр эди. Салиб юриши натижасида вужудга келган христиан королликлари ва феодал ер мулкларда мусулмонларга нисбатан диний адоватда муносабатду бўлинди. Ислом дни масжидлари бузиб ташланди ёки христиан дини черковларига айлантирилди. Бу каби ишлар ҳар икки курашаётган томолар ўртасида диний рақобатни янада авж олишига сабаб бўлди десак, муболаға бўлмайди. Хусусан Қуддус шаҳрида халифа Умар томонидан барпо этилган ва мусулмонлар учун муқаддас ҳисобланган масжидни черковга айлантирганликлари мусулмонлар учун мусулмонлар учун жуда катта ҳақорат эканлиги тарихий адабиётларда келтириб ўтилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин<sup>49</sup>.

Масжидларнинг черковларга айлантирилишига оид маълумотар ўша давр мусулмон муаррихларининг ҳам асарларида тилга олинган бўлиб, улардаги ушбу ҳолатга берилган изоҳ орқали диний адоватнинг қай даражада кучайиб борганлигини кўриш мумкин. Масалан, Ибн Василнинг маълумотларида; “Мен Қуддусга кириб, муқаддас масжидда монархлар ва руҳонийлар эгалик қилаётганини кўрдим...Масжид тепасида кўнғироқ осиб кўйилган ва масжид ичкарасида вино ичилмоқда<sup>50</sup>”-мазмундаги фикрлар келтириб ўтилганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, ўша даврда ушбу воқеликларни ўз кўзи билан кўрган мусулмон муаррихларидан бири Усама ибн Мунқизнинг ёзишига қараганда; Қуддусдаги ал-Акса мажиди черковга айлантирилган ва у ерда мусулмонларни намоз ўқишларига имкон қолдирилмаган. Усама ибн Манқиз Қуддусга келганда, шу ерда яшовчи

---

<sup>49</sup> Заборов М.А. История крестовых походов в документах и материалах. Учеб. пособие. – М.: Высш. школа, 1977. – С. 153.

<sup>50</sup> Хилленбранд К. Крестовые походы. Взгляд с Востока: мусулманская перспектива/пер. с англ. – СПб.: “Издательство “ДИЛЯ”, 2008. – С. 302.

мусулмонлардан қаерда намоз ўқишини сўраган ва улар ал-Акса ёнида омонат қурилган масжидни кўрсатганлар. Ибн Манқиз масжидга кириб намоз ўқиётганда бир франк (салибчиларни мусулмон муаррихлари одатда франк атмаси билан атаганлар) кириб келиб, унга Шарқ томнга қараб намоз ўқишини талаб қилиши ва ҳатто, ўлдириш билан таҳдид қилганлиги, шу ерлик одамлар фракка бу киши Қуддусга яқин келгани ва тартибларни билмаслиги айтиб, унинг гуноҳини сўраб олганликлари билан боғлиқ маълумотлар келтириб ўтилганлиги ҳам мусулмонлар орасида диний анъаналар ва қадриятларга аралашганлиги учун салибчилардан кучли норозилик уйғонганини кўрсатади<sup>51</sup>.

Қуддус шаҳри мусулмонлар қўлига 1187 йилда аюбийлар сулоласи асосчиси султон Салоҳиддин саъй-ҳаракатлари натижасида ўтгандан сўнг Рим папалари томонидан ташкил этилган салиб юришлари Қуддус шаҳрини истило қилиш ва мусулмонлар қўлидан тортиб олишга кучи етмайди. Папанинг талаби билан Муқаддас Рим империяси императори Фридрих II Штауфен олтинчи салб юриши (1228 – 1229 йй)ни ташкил этади. Фридрих II (1212 – 1250 йй) даврида, уюштирилган салиб юришида кўпроқ дипломатик музокаралар олиб бориш орқали мувоффақиятга эришади. 1228 – йили Мисрнинг Аюбийлар сулоласидан бўлган султони Малик ал – Комил Қуддус, Вифлеем, Назарет шаҳарларини “Муқаддас Рим империяси” императори, Штауфенлар сулоласидан бўлган Фридрихга тинч йўл билан топширишга мажбур бўлади<sup>52</sup>. Чунки, салибчилар Нил дарёси дельтасининг шарқий қисмида бўлган Дамиятта портини ишғол этган бўлиб, аюбийлар салтанатининг юраги ҳисобланган Мисрни истило қилиш эҳтимоли юқорилиги, бу эса, умуман аюбийлар давлатини қулшини ангаиши мумкин эди. Шу сабабли Мисрни сақлаб қолиш эвазига юқорида номлари келтирилган шаҳарлар салибчиларга бериб юборилган.

---

<sup>51</sup> Заборов М.А. История крестовых походов в документах и материалах. Учеб. пособие. – М.: Высш. школа, 1977. – С. 149-150.

<sup>52</sup> Семёнов М.В. Ўрта асрлар тарихи

Бу вақтда Малик ал-Комил учун ички низолар ҳам кучайган бўлиб, Қуддусдан кўра кўпроқ унинг ўз салтанати ташвишга солаётганлиги сабабли бундай келишувга рози бўлганлигини тарихий адабиётларда келтириб ўтилган фикр-мулоҳазалар орқали билиб олишимиз мумкин. Шунингдек, салибчилар томонидан Дамиетта портининг ишғол этилиши ва ушбу шаҳарни қайтариб олиш мақсадида аюбийлардан ал-Комил (Миср ҳукумдори) ва ал-Муаззам (Сурия ҳукумдори) ўртасида шаҳарни ола олмаганларидан кейин ўзаро низо авж олади. Бунинг устига ички кураш ал-Муаззамнинг вафоти билан яна авж олиб, Дамашқ тахтига чиққан ёш жияни ан-Назирдан ал-Комил Сурия тахтини тортиб олиш учун кураш бошлагани ҳам салибчиларга анча қўл келганлигини адабиётлардаги маълумотлар тасдиқлайди<sup>53</sup>.

Ўзаро кураш кетаётганлиги Қуддус шаҳрини дипломатик йўл билан қўлга киритишда катта устунлик берганлиги сир эмас. Қуддусни христианларга топшириш тўғрисида Малик ал-Комил ва Фридрих II ўртасида тузилган сулҳга кўра, Қуддус шаҳри ўн йил муддат давомида христиан динига эътиқод қилувчи ҳукмдорлар қўлида бўлиши лозим бўлиб, бу давр ичида мусулмонлар ва яҳудийлар ўзлари учун муқаддас бўлиб келган шаҳарга киришлари таъқиқлаб қўйилади. Ўзлари учун муқаддас ҳисобланадиган зиёратгоҳларига фақатгина диний байрамлари кунлари кириши лозим эди<sup>54</sup>. Бу эса, христиан оламининг сиёсий ва дипломатик устунлигини, Шарқдаги мусулмон давлатлари орасида эса, ички зиддиятлар авж олганлигини кўрсатади. Мусулмонлар, учун ҳам муқаддас саналган ҳудуд ва шаҳарларнинг салбчилар ихтиёрига ўтиб кетиш мусулмон аҳолиси, шунингдек айрим мутаассиб ҳукумдор ва саркардаларни ғазаблантириши табиий ҳол бўлиб, хоразимлик жангчилар ҳам ислом эътиқодига мансубликлари сабабли ушбу сиёсий келишувдан норози бўлганлар.

---

<sup>53</sup> Феодоров-Давыдов А.А. Крестовые походы. Историческая хроника. – М.: Типография К.Л. Меньшова 1905. – С. 176.

<sup>54</sup> Хилленбранд К. Крестовые походы. Взгляд с Востока: мусулманская перспектива/пер. с англ. – СПб.: “Издательство “ДИЛЯ”, 2008. – С. 219.

Эҳтимол, шу сабабли бўлса керак, 1237 йили “хоразмликлар” Миср султони Малик ал – Комилнинг ўғли шаҳзода Малик ас – Солиҳ хизматига кирганлар<sup>55</sup>. “Хоразмликлар” нинг Аюбийлар хизматига кириши гўёки икки ўртадаги иттифоқчиликнинг қайта тиклаши сифатида қаралган. Ушбу иттифоқчилик муносабатларини валиахд шаҳзода ас-Солиҳ қариндошлик даражасига кўтариш орқали бу қудратли ва бебош ҳарбий кучни Миср салтанати манфаатлари учун доимий хизмат қиладиган армияга айлантиришга уринган. Мақсадини амалга ошириш учун шаҳзода ас-Солиҳ ўз сингисини “хоразмликлар” нинг етакчи саркардаларидан бири Муҳаммад Барокатхонга турмушга узатиб, ушбу иттифоқни янада мустаҳкамлашга уринади. Аммо, бу иттифоқ бир йилдан сўнг яъни, 1238 йилда Миср султони Малик ал – Комил вафотидан кейин бузилиб, “хоразмликлар” шаҳзода ас-Солиҳни асир олишга ҳаракат қиладилар<sup>56</sup>. Аммо, шаҳзода қочиб қолишга мувоффақ бўлади. Шундай бўлсада, “хоразмликлар” дастлаб ас-Солиҳга Мосул ҳокими Бадриддин Луълуъга қарши курашида ёрдам берадилар. Иттифоқ яна бузилгандан сўнг “хоразмликлар” 1240–1244 йилларда Мўсул ҳокими Бадриддин Луълуъ, Маёфарикин ҳукмдори Малик ал-Музаффар ва бошқа ҳокимлар хизматида, уларнинг ўзаро курашларида ёлланма хизмат қилиб, ўлжа учун жанг олиб борганликлари хусусида юқоридаги бандларда батафсил тўхталиб ўтган эдик.

Ас-Солиҳ Яқин Шарқда хоразмликлар ёрдамида барча сиёсий рақибларини устидан ғалаба қозониб бўлгач, улар ёрдамида яна бир бора бу сафар христиан салибчиларини биргаликда енгишга ҳаракат қилади. Хоразмликлар Кония султони таклифини рад этгандан сўнг Сурия шимолида кўчманчи ҳаёт тарзида яшаётган эдилар. Уларга ас-Солиҳ таклифи

---

<sup>55</sup> Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насафий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти/Матёкубов тарж./ - Т.: O'zbekiston, 2006. – Б. 376.

<sup>56</sup> Орзиев М.З., Латипов Ж.Л. Салиб юришлари ва унга қарши курашда-“Хоразмликлар” фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг-Истеъдод жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Бухоро муҳандислик-технология институти томонидан ўтказилган “XXI аср-интеллектуал авлод асри” ҳудудий илмий-амалий анжумани тўплами (2015 йил 5-6 июнь) – Бухоро. 2015. – Б. 65.



ва бузилган риштани тиклаш борасидаги илтимослари гўёки хоразмликлар учун янги марралар сари йўл очган кўринган бўлиши эҳтимолдир. 1244 – йилда эса, Миср билан бузилган иттифоқ қайта тикланиб, “хоразмликлар” яна Миср ва Яқин Шарқдаги йирик мулкларнинг ҳукумдори Малик ас – Солих хизматига ўтганликлари хусусида тарихий адабиётларда маълумотлар келтириб ўтилганлигини кўриш мумкин<sup>57</sup>. Бундай йирик ҳарбий кучга ўша даврда Яқин Шарқда бўлган христиан феодаллари бардош бера олмасди. Чунки, Ғарбдан тобора Шарққа Исо қабрини ҳимоя қилувчиларнинг келишлари камайиб, салибчиларга келадиган мадад кучлари деярли қолмаган. улар Шарқда ўз имкониятлари даражасида ҳимояланишга мажбур эдилар.

Миср билан иттифоқ қайта тиклангач, асосий эътибор Яқин Шарқдаги салибчиларга қарши курашга қаратилган. Шу мақсадда, “Хоразмликлар” ва Миср султонининг бирлашган кучлари 1244 йили Қуддусни эгаллаб турган салбчиларга қарши курашни бошлаб юборганлар. Бизнинг фикримизча, икки ўртадаги адоватни диний уруш омили ечган бўлиши мумкин. Чунки, Қуддус ишғол қилингач, тез орада бу иттифоқ қайта парчаланганлиги билан боғлиқ фикрлар қуйида келтирилади. Қуддусни эгаллашда Миср султонига 1244 йил август ойида 10 минг кишидан иборат “хоразмликлар” ёрдам берганлар, аниқроғи Қуддус “хоразмликлар” томонидан ишғол қилингач, батамом мусулмонлар қўлига ўтади<sup>58</sup>. Қуддусда қамалда қолган салбчи рицарларнинг умумий сони 6 минг киши бўлиб, қалъанинг қамал қилиниши натижасида унинг ҳимоячилари оғир аҳволда қолган ва мадад кучларининг узоқдалиги, уларнинг етиб келишидан умид узилгани, сабабли христианлар сулҳ таклиф этадилар. Унга кўра, салбчи рицарлар ва уларнинг иттифоқчилари Қуддус шаҳридан тинчгина чиқиб кетишлари лозим эди. Аммо, ғарб адабиётларида “хоразмликлар” ўз ваъдаларига турмай қалъадан чиққан рицарлар ва

---

<sup>57</sup> Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насафий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти/Матёкубов тарж./ - Т.: О'zbekiston, 2006. – Б. 377., Буниятов З. М. Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов. 1097 – 1231. – М.: Наука, 1986. – С. 189-191.

<sup>58</sup> Буниятов З. М. Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов. 1097 – 1231. – М.: Наука, 1986. – С. 189.

уларнинг иттифоқчиларига хужум уюштиришлари салбчи рицарларнинг деярли барчасини қириб ташланиши билан ниҳоясига етгани, қирғиндан фақатгина 300 рицар қочиб қутулганлиги тарихий адабиётларда қайд этилади<sup>59</sup>.

Ғарб тарихий адабиётларида хоразимликларни даҳшатли қирғинбарот келтирувчилар, вайронагарчилик олиб келувчилар сифатида таърифланадилар. А.А. Феодоров-Давидовнинг ёзишича, “Султон Аюб (Аюбийлардан Малик ас-Солиҳ назарда тутилмоқда) хоразимликлардан ёрдам сўраганда хоразимликлар дастлаб Сурия христианларига зарба берадилар. шундан сўнг улар Қуддус томон йўлга тушади ва Қуддусда даҳшатли қирғин, вайронагарчиликлар уюштирадилар. Кейин эса, Ғазо шаҳри яқинида хоразимликлар ва мисрликларнинг бирлашган қўшини салибчилар билан тўқнашади. Бу уруш ҳам даҳшатли бўлганлиги<sup>60</sup>”-билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларни келтириб ўтганлигини кўриш мумкин.

Хилленбранд Керол келтириб ўтган маълумотларда хоразимликлар томонидан Қуддус шаҳрининг истило қилиниши 1244 йилнинг 11 июлидан бошланиб, 23 августга қадар давом этгани, салибчилар ўз кучларига ортиқча баҳо бергани, хоразимликлар эса қисқа муддат ичида Қуддус шаҳрини улардан тортиб олиши, уларнинг жанг санъати ва моҳир жангчилар эканлиги хусусидаги фикрлар Шарқдаги салибчиларни ташвишга солгани, улар Шарқдаги ўзлари эгаллаб турган барча ерлардан ажралиб қолиш хавфи туғилганлиги саббали денгиз бўйидаги Асқалон шаҳрини мустаҳкамлашга киришганликлари билан боғлиқ маълумотлар мавжудлигини кўриш мумкин<sup>61</sup>.

Тарихий адабиётларда ёзилишича, Қуддусни истило қилган “хоразимликлар” Миср томон ҳаракат қилиб, ўз ғалабалари хусусида Миср

<sup>59</sup> Hitti P. K. History of the Arabs. London, 1940. – p. 208.

<sup>60</sup> Феодоров-Давыдов А.А. Крестовые походы. Историческая хроника. – М.: Типография К.Л. Миньшова 1905. – С. 176.

<sup>61</sup> Хилленбранд К. Крестовые походы. Взгляд с Востока: мусулманская перспективо/пер. с англ. – СПб.: “Издательство “ДИЛЯ”, 2008. – С. 678.

хукмдорига хабар юборадилар. Малик ас–Солих уларни Ғазода тўхташлари ҳақида буйруқ юбориб, салбчилар билан бўладиган ҳал қилувчи жангга Миср кўшинини бошлаб боришини маълум қилади. Миср Айюбийларининг бирлашган кучларига Рукниддин Бейбарс бошчилик қилган бўлиб, унинг хотини “хоразмликлар”дан эди. ас-Солих Рукниддин Бейбарс бошчилигидаги кўшинни Ғазога хоразмликлар билан кўшилиш учун юборади. Суриядаги аюбийлар ўзлари учун қандай хавф-хатар вужудга келаётганлигини яхши англадилар. Шу сабабли улар Миср ҳукмдори ас-Солихга номигагина итоат этишдан ҳам воз кечиб, салибчилар билан иттифоқ бўлишни афзал биладилар. Тарихий адабиётлардаги маълумотларда Қуддусни қайтариб олишни истаётган салбчиларга, Миср тахтига даъвогарлик қилаётган Сурия аюбийлари етакчиси Солих Исмоил иттифоқчилик қилаётганди. У Қуддус эвазига Миср тахтини эгаллашда салибчилардан ёрдам олишга умид боғлаганлиги таъкидлаб ўтилади <sup>62</sup>. Бу эса, Яқин Шарқдаги мусулмон давлатларининг ички сиёсий муносабатларда салбчиларнинг фаол иштирокини кўрсатади.

Ҳар икки томон рақиблар 1244 йилнинг 17 октябрида Ғазо яқинидаги Ҳарбия қишлоғи яқинида тўқнаш келадилар. Сурия аюбийларининг ўнг қанотига салибчилар кўшини 1500 оғир қуроллик отлик рицарлар ва 10 минг кишилик пиеда салибчилар туради. Бу кўшинларга тир лорди Филипп монфорский, Яффа графи Валтер Бриенский ва архиепископ Пётр Тирскийлар бошчилик қилишган. Чап қанотни Карак шаҳри ҳокими бошчилигидаги кўшинлар эгаллаган бўлса, Марказни Хама шаҳри ҳукмдори кўшинлари эгаллайди. Ҳарбия жанги (Ғарб адабиётларида La Forbie жанги дейилади)да салбчилар ва уларнинг иттифоқчилари буткул тор–мор келтирилиб, Қуддус батамом мусулмонлар қўлига ўтади. Бу урушда “хоразмликлар” нинг иштирок этиши эса, алоҳида аҳамият касб этган <sup>63</sup>.

---

<sup>62</sup> Буниятов З. М. Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов. 1097 – 1231. – М.: Наука, 1986. – С. 192.

<sup>63</sup> Pety C. F. The Cambridge History of Egypt. Vol. 1, Islamic Egypt, 640 – 1517. Cambridge: Cambridge University Press, 1998. – p. 136; 394.

Бундай йирик ҳарбий кучга ўша даврда Яқин Шарқда бўлган христиан феодаллари бардош бера олмасди. Чунки, Ғарбдан тобора Шарққа Исо қабрини ҳимоя қилувчиларнинг келишлари камайиб, салибчиларга келадиган мадад кучлари деярли қолмаган. улар Шарқда ўз имкониятлари даражасида ҳимояланишга мажбур эдилар. Шу сабабли улар маҳаллий феодалларнинг ўзаро курашларидан фойдаланиб қолишга қарор қиладилар.

Европалик салбчилар Яқин Шарқда мусулмон давлатларида шахзодаларнинг ўзаро тожу-тахт учун курашлардан унумли фойдаланишга уринганлар. Айниқса, Миср Аюбийлари сулоласи вакилларининг ихтилофлари уларга бир муддат қўл келган. Миср тахти учун курашда келишмовчиликлардан европаликлар ўз манфаатлари йўлида фойдалана олганлар. Ҳарбия жангида Миср султони Малик ас–Солиҳ тахт учун курашга отланган амакиси ва салбчиларнинг иттифоқчиси Аюбий Солиҳ Исмоилни мағлубиятга учрата олди. Салибчилар иттифоқини аюбийлар ўз кучлари билан эмас, “хоразмликлар”нинг ҳарбий қудрати ёрдамида тор–мор келтирган <sup>64</sup>. Ҳарбия жангининг аҳамияти шундаки, бу жанг нафақат Қуддусни ислом давлатларига узил-кесил қайтариб берди, шунингдек, бир муддат Миср тахти учун аюбийлар ўртасидаги ўзаро курашларга ҳам чек қўйгани билан аҳамиятлидир.

Жанг тафсилотлари хусусида тарихий адабиётларда дастлаб Хама шаҳри ҳукумдори қўшинлари тор-мор келтирилгани, шундан сўнг хоразимликлар томонидан салибчи рицарлар қуршаб олингани, қирғин шу даражада бўлганки, рицарлардан тирик қочиб қолганлар санокли бўлганлиги, хоразимликлар бой ўлжалар билан биргаликда 800 рицарни асир олганликлари, шунингдек, рицарлар етакчиларидан бўлган Вальтер Бриенскийни асир олганликлари, умумий миқдорда салибчилар ва уларнинг иттифоқчиларидан 30 мингдан ортиқ жангчилар ўлдирилганлиги тарихий

---

<sup>64</sup> Хилленбранд К. Крестовые походы. Взгляд с Востока: мусилманская перспектива/пер. с англ. – СПб.: “Издательство “ДИЛЯ”, 2008. – С. 612.

адабиётларда қайд этилган<sup>65</sup>. Кейинчалик бу ғалаба шарафига Қохира шахрида 18 ноябрь 1244 йилда катта байрам ташкил этилгани, асирга олинган салибчи рицарлар, жангда ўлдирилган салибчиларнинг каллалари шаҳар кўчаларидан намойишкорона олиб ўтилиши, хоразимликлар ёрдамида ас-Солиҳ Қуддус ва Ғазони ҳудудларини қўлга киритиш билан бир қаторда тор бўлсада, Ўрта ер денгизининг Фаластин қирғоқларидаги ҳудудларни қўлга киритиб олганлиги билан боғлиқ маълумотлар Ҳарбия жангининг аҳамияти сифатида келтириб ўтилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин<sup>66</sup>.

Ғарбда ла-Форбия деб номланган бу жанг салиб юриши иштирокчилари ва уларга хайрихоҳ бўлганларни қаттиқ ташвишга солиб қўйгани ўша даврда яратилган тарихий адабиётларда ҳам ўз аксини топган. Айниқса, ҳарбий-тарихий алманах журналининг 2002 йилги, 82-сонида келтирилган Матвей Парижский “Буюк хроника” асари парчасида, Хоразимлик аскарлар ва тамплиерлар ордени ўртасидаги жанг тавсилтлари тасвирланган бўлиб, муаллиф таплиерларни хоразимликлар томонидан бутунлай қириб юборилганини, рицарларни жанг майдонидан чекинмаганлиги ва охиригача қаҳрамонона курашган жангчилар сифатида кўрсатишга уринганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин<sup>67</sup>. Шунингдек, “Янги аскар” рукни остида чоп этилган бу ҳарбий-тарихий алманахнинг 208-сонида Тевтон ордени рицарлари ва уларнинг ла-Форбия жангида хоразимликлар билан тўқнашуви ҳақида фикр юритилиб, ўша давр ғарб адабиётларида бу жангда иштирок этган 400 та тевтон ордени рицарларидан 397 таси хоразимликлар томонидан қириб ташлангани хусусидаги маълумотларни ҳам юқорида келтириб ўтганимиздек баҳолашга уринишлар бўлганлигини кўришимиз мумкин<sup>68</sup>. тарихий адабиётлардаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ла-Форбия

---

<sup>65</sup> Petry C. F. The Cambridge History of Egypt. Vol. 1, Islamic Egypt, 640 – 1517. Cambridge: Cambridge University Press, 1998. – p. 397.

<sup>66</sup> Буниятов З. М. Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов. 1097 – 1231. – М.: Наука, 1986. – С. 192.

<sup>67</sup> Военно-исторической алманах № 82. Рыцары ордена тамплиеров 1120-1312 гг. - Артемовск.: типография “Книга”, 2002. – С 25 (44 с)

<sup>68</sup> Военно-исторической алманах. № 82. Тевтонские рыцары 1190-1561 гг. - Артемовск.: типография “Книга”, 2002. – С. 2. (40 с)

жангидан сўнг ушбу орден тобора кучсизланиб, 1279 йилда Яқин Шарқда бутунлай тугатилади.

Ҳарбия жанги бўлиб ўтган вақтда Салиб юришларининг бошланганлигига бир юз эллик (148 йил) йил муддат ўтган бўлиб, бир неча авлод диний адоватда яшамокда ва ўзи учун рақиб бўлган дин вакилларига нафрати беқиёс даражада ўсиб етилганлигини кўриш мумкин. Ҳарбия жанги ҳақида ёзган муаррихларнинг асарларида жанг тафсилотларини ўрганиш орқали шундай хулосага келинадики, ҳатто, маърифатли шахслар ҳам диний адоватни, ўз ғалабаларини динлари энг тўғри дин бўлганлиги учун қўлга киритилганлигини яшириб ўтирмаганлар. Ўрта аср муаррихларининг Ҳарбия жанги ҳақидаги фикрларини таҳлил этган Зиё Буниятов бу борада араб тарихчиси Сибт ал-Жавзийнинг фирк-мулоҳазаларини келтириб, унинг фикрларида; “Ушбу жанг ислом тарихида улуғ кун бўлганлигини, бундай кун ислом тарихида бўлмаганлиги, ҳатто қудратли ҳукумдор султон Салоҳиддин Айюбийнинг ғалабалари ҳам бу қадар катта аҳамиятга эга бўлмаган”,-деган мазмунидаги фикрларини келтириб ўтади<sup>69</sup>. Бу эса, юқорида биз келтириб ўтган диний адоватнинг авлодлар оша кучайиб борганлиги блан боғлиқ фикрларни асослайди. Бу фикрлар ўз даврининг илғор инсони, муаррих томондан айтилиши Сибт ал-Жавзийнинг бир қадар мутаассибликка берилганлигидан ҳам далолат беради. Юқорида келтирилган фикрларнинг бирида бу дин йўлида вақтинча бирлашув бўлиши мумкинлигини эҳтимол сифатида келтириб ўтган эдик. Аскалаон шахрини мустаҳкамлаганликларига қарамай салибчилар бу ерда ҳам бирлашган кучлардан мағлубиятга учрайдилар ва шундан сўнг салибчиларнинг Яқин Шарқдаги мулклари тобора қисқариб бора бошлайди. Аммо, Ҳарбия жангидан сўнг хоразимликлар ва аюбий ас-Солих ўртасидаги муносабатлар яна ёмонлаша

---

<sup>69</sup> Орзиев М.З., Латипов Ж.Л. Салиб юришлари ва унга қарши курашда-“Хоразмликлар” фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг-Истеъдод жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Бухоро муҳандислик-технология институти томонидан ўтказилган “XXI аср-интеллектуал авлод асри” ҳудудий илмий-амалий анжумани тўплами (2015 йил 5-6 июнь) – Бухоро. 2015. – Б. 66.

бошлайди. асосан Дамашқ шаҳри истилоси билан боғлиқ бўлган ушбу жараёнларга биз қуйида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Миср аюбийларидан бўлган ас-Солиҳ кичик бир мулк эгасидан қудратли давлат ҳукумдори бўлишида хоразимликларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлиб ҳисобланади. Унинг аюбийлар давлатини ягона марказга бирлаштиришига, бундан ташқари Қуддус шаҳри учун бўлган курашда мусулмонлар қўлига ушбу шаҳарнинг узил-кесил ўтишига ҳам хоразимлик аскарларнинг жасоратли ҳаракатлари катта аҳамиятга эга бўлди. Хоразимликларнинг жанг олиб бориш усуллари ва жанглардаги қаҳрамонликлари душманлари томонидан эътироф этилиб, уларга қарши жангларда фақатгина кўп сонли катта қўшинлар билангина мувоффақият қозонганликлари ҳақидаги маълумотлар тарихий адабиётларда келтириб ўтилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин.

## **“Хоразмликлар”нинг сиёсий куч сифатида тугатилиши ва тарихий тақдири**

Салибчилар ва уларни қўллаб-қувватлаган маҳаллий ҳукумдорлар “хоразмликлар” ёрдамида тор-мор келтирилгач, иттифоқчилар ўртасида яна келишмовчиликлар юзага келади. Миср султони ва хоразимликлар ўртасидаги муносабатлар кейинги йилда яна ёмонлашади. Бунга сабаб, 1245 йилнинг биринчи октябрида Дамашқ шаҳрининг ишғол этилиши ва “хоразмликлар” нинг шаҳарга ғолиб сифатида киришга йўл қўйилмаганлиги бўлиб ҳисобланади. Бу уларнинг ҳарбий хизматларини эътиборсиз қолдириш ва уларни муносиб равишда тақдирланмаганликларини кўрсатади. Чунки, айнан хоразимликларнинг ҳарбий фаолияти натижасида Дамашқ ҳукумдори фақат ўзи ва мол-мулклари билан шаҳардан эркин чиқиб кетиш эвазига шаҳарни рақибларга қаршиликсиз топширишга ва Баалбек шаҳрига кетишга рози бўлганди<sup>70</sup>.

Ас-Солиҳдан норози бўлган хоразимликлар ўлжа топиш мақсадида янги курашларга отланадилар. “Хоразмликлар” Аюбийлардан бўлсада, Мисрга ҳали қарам бўлиб улгурмаган Керак шаҳри ҳокими ан-Носир ва Миср ҳукмдори Малик ас-Солиҳнинг марказий ҳокимиятга қарши чиқиш истагида бўлган саркардаси Рукниддин Бейбарсга суянишга ҳаракат қилганлар ва уларга хизмат қилиш истаklarини билдирганлар. Норози бўлган хоразимлик саркардаларни ас-Солиҳ томонидан ўз таъсирида тутиб туришга интилиб, Ўрта ер денгизи қирғоқ бўйларида икътo сифатида ҳудуд беришни ваъда қилган. Хоразимлик саркардалар таклиф этилган ерларни рад этиб, Дамашқ атрофидаги қишлоқларни талайдилар ва бундан сўнг ас-Солиҳга итоат этишдан бутунлай бош тортадилар<sup>71</sup>. Ушбу сўнги бора иттифоқчилар ўртасида муносабатларнинг бузилиши хоразимликлар тақдири учун ҳалокатли натижаларга сабаб бўлди десак муболаға қилмаган бўламиз.

<sup>70</sup> Буниятов З. М. Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов. 1097 – 1231. – М.: Наука, 1986. – С. 193.

<sup>71</sup> Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насафий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти/Матёкубов тарж./ - Т.: O'zbekiston, 2006. – Б. 378.



Чунки, эндиликда ас-Солиҳ қудратли ҳукумдорга айланган бўлиб, унинг давлати иқтисодий ва ҳарбий жиҳатдан хоразимликлардан бир неча ўн баробар қудратли бўлиб олишга улгурган ва ижтимоий жиҳатдан Яқин Шарқда хоразимликларни қўллаб-қуватловчи гуруҳларнинг бўлмаганлиги ҳам уларнинг вазифтини ёмон томонга ўзгаришига сабаб бўлмоқда эди.

Хоразимликлар орасида ҳарбий жиҳатдан шуҳрат қозонган ас-Солиҳ саркардаларидан Рукниддин Бейбарс бўлиб, унинг ҳам хоразимликлар билан муносабатлари яхши бўлган. Тарихий манбаларда бундай илиқ муносабатларнинг сабаби Рукниддин Бейбарснинг хотини хоразимлик саркардлари бирининг қизи бўлиб, хоразимликлар орасида у ўзига хос шуҳратга эга бўлган<sup>72</sup>. Бундан ташқари унинг туркий қабилалардан эканлиги ҳам ўзаро яқин муносабатларни ўрнатилишига асос бўлишини англатарди. Миср ҳукумдорида икки қудратли қўшиннинг бирлашуви ўз салтанатининг тугагини англатишини яхши тушунган. Бу орада хоразимликлар Бейбарсга итаоат этиш истагини ҳам билдириб, эҳтимолки уни давлат раҳбари сифатида кўра бошлаган бўлсалар керак. Миср ҳукумдори ас-Солиҳ бундай бирлашувга йўл қўймаслик учун Рукниддин Бейбарсни Қоҳирага ҳийла билан чақиртириб олади. Бу ерда руниддин Бейбарс ас-Солиҳ буйруғига кўра қўлга олиб зиндонга ташлатади. Бейбарснинг ҳарбий қўшин, жумладан туркийлардан тузилган қўшиннинг асосини ташкил этувчи мамлуклар орасида норозилик келтириб чиқариши ва унинг шуҳратидан кўрқиб, яширин равишда ўлдиртириб юборади<sup>73</sup>. Бу билан эса, Миср қўшинида хизмат қилаётган туркий қабилаларни ҳарбий етакчисиз қолдириб, уларни фалаж бир ҳолатга солиб қўйишга мувоффақ бўлади деб хулоса чиқаришга барча асослар етарли.

---

<sup>72</sup> Орзиев М.З., Латипов Ж.Л. Салиб юришлари ва унга қарши курашда-“Хоразимликлар” фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг-Истеъдод жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Бухоро муҳандислик-технология институти томонидан ўтказилган “XXI аср-интеллектуал авлод асри” ҳудудий илмий-амалий анжумани тўплами (2015 йил 5-6 июнь) – Бухоро. 2015. – Б. 66.

<sup>73</sup> Abulafia D. The new Cambridge medieval history. Vol. 5, с. 1198 – с. 1300. – Cambridge. Cambridge University press, 1999. – p. 147.

Шундан сўнг хоразимликлар ас-Солиҳга қарам бўлмаган аюбийлардан Керак ўлкаси ҳукумдори ал-Малик ан-Носирга ўз хизматларини таклиф этадилар. Унинг хотини ҳам хоразимликлар саркардасининг бирини хотини бўлиб, ан-Носир хоразимликларнинг таклифини бажонудил қабул қилади. Бу ерда никоҳ ва қариндошчилик ришталаридан кўра, тожу-тахт учун кураш биринчи ўринга турган десак муболаға бўлмайди. Иттифоқчига эга бўлган ва ҳарбий аслаҳалар, моддий таъминот билан таъминланган Хоразимликлар Қуддус ва Наблус шаҳарларини қисқа фурсатда эгаллашга мувоффақ бўладилар. Шундан сўнг хоразимликлар Миср ҳукумдори ас-Солиҳга қарши курашда иттифоқчилар салмоғини кўпайтириш мақсадида 1245 йил биринчи октябрда ўзлари Дамашқдан Баалбекка қувиб юборган ва ас-Солиҳга шаҳарни олиб берган Дамашқ ҳокимини ҳам ўзлари томонга ўтишига эришадилар. Иттифоқчиларнинг бирлашган қўшинлари Дамашқ шаҳрига қараб юради<sup>74</sup>. Бу ердаги Миср қўшинлари салмоғи иттифоқчиларга қарши курашиш учун етарли даражада бўлиб, қаттиқ қаршилик кўрсатади. Дамашқ ҳам иқтисодий ва ҳам маданий марказ бўлганлиги сабабли бу ерда катта миқдорда горнизон қолдирилганлиги бежиз эмасди. Шу сабабли шаҳарни иттифоқчилар ишғол эта олмайдилар ва қамали уч ой давом этади. Бу борада Миср ҳукумдори Ас-Солиҳ аюбийлар сулоласининг етакчи вакили сифатида ўз салтанатларини сақлаб қолиш учун барча аюбийларни бирлашишлари тўғрисида мурожаат қилиб уларни хоразимликларга қарши бирлашишни таклиф этади. Унинг мурожаатига биноан Халаб ва Хомс шаҳарлари ҳокимлари ас-Солиҳ билан иттифоққа бирлашади. Катта ҳарбий қудратга эга бўлган қўшиннинг яқинлашиши билан Хоразимликлар ва уларнинг иттифоқчилари Дамашқ қамалини тўхтатишга мажбур бўладилар<sup>75</sup>.

Миср султони ас-Солиҳ ва унинг иттифоқчилари хоразимликлар ва уларнинг иттифоқчиларини бутун Сурия ҳудуди бўйлаб таъқиб этиб

---

<sup>74</sup> Abulafia D. The new Cambridge medieval history. Vol. 5, с. 1198 – с. 1300. – Cambridge. Cambridge University press, 1999. – p 137.

<sup>75</sup> Буниятов З. М. Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов. 1097 – 1231. – М.: Наука, 1986. – С. 194.

борадилар. Эндиликда уларнинг чекиниши учун бирор ер қолмайди. Ҳар икки томон иттифоқчилар ҳал қилувчи жангга тайёргарлик кўра бошлайдилар. Тарихий адабиётларда келтирилган маълумотларда Хоразимликлар ва уларнинг иттифоқчилари билан аюбийларнинг бирлашган кўшинлари ўртасидаги ҳал қилувчи жанг 25-26 май куни Хомс шаҳри яқинида юз беради<sup>76</sup>. Жангда хоразимликларнинг иттифоқчилари душман ҳужумига бардош бера олмай қочади. Дастлаб, Карак ҳукмдори кўшинлари, шундан сўнг Дамашқ ҳукмдори кўшинлари душманлар тазйиқи остида қочишга тушади. иттифоқчиларнинг бу каби иродасизликлари жанг тақдирини ҳал қилиб қўяди. Чекиниш имконияти ва бундан сўнг борадиган жойлари бўлмаган Хоразимликлар қаттиқ қаршилик кўрсатишига қарамасдан мағлубиятга учрайди. Жангда хоразимликларнинг бош саркардаси Хусомиддин Барокотхон ўлдирилади. Унинг кесиб олинган боши Халаб кўчаларида одамларга намойиш этилган. Асир олинган хоразимликлар эса, Аюбийлар томонидан кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб, шу йили Сурия, Миср, Ливаннинг турли ҳудудларига қаттиқ назорат остида тарқатиб юборилганлиги тарихий адабиётларда қайд этилган<sup>77</sup>. Юриилган сиёсат хоразимликларнинг бундан кейинги бирлашувларига йўл қўймаслик, уларни йирик горнизонлар атрофида кам сонли миқдорда ҳарбийлар назорати остида сақлаб қарашга қаратилганлиги билан алоҳида пухта ўйланган режа деб хулоса чиқариш мумкин.

Араб муаррихи ибн Биби келтирган маълумотларда, “Жалолиддин Мангубердиннинг ҳаёт йўли” ҳақида асар ёзган ва Жалолиддин тириклиги вақтида унинг шахсий котиби бўлган Шаҳобиддин ан-Насафий, Жалолиддин ва Кирхон Малик вафотидан сўнг Хоразимликларнинг бош саркардаси этиб танлаган Хисомиддин Барокотхоннинг вазири лавозимида фаолият олиб борган. Аммо, биз кўриб чиққан тарихий адабиётларда ушбу шахснинг

---

<sup>76</sup> Holt P. M. Lambton A. K. S. Lewis B. The Cambridge history of islam. Vol. 1A, The Central islamik lands from pre – islamik Times to the first world war. - Cambridge. Cambridge University press, 1970. – p. 158.

<sup>77</sup> Amitai-Preiss R. Mongols and Mamluks: the Mamluk–Ilkhanid War, 1260–1281. Cambridge: Cambridge University Press, 1995. – p. 674.

Жалолоддин мангуберди вафотидан кейинги ҳаёти, шунингдек, унга нисбатан аюбийлар қандай муносабатда бўлганлиги билан боғлиқ маълумотлар етарли даражада келтириб ўтилмаганлигининг гувоҳи бўлди.

Мағлубиятга учрагандан сўнг, бир қисм хоразмликлар Карак шаҳри ҳокими билан Халаб шаҳрига йўл оладилар. Халаб ҳокими ўз қариндоши ал-Малик ан-Носирни яқиндагина душман томонида туриб урушганини унутиб, тантана билан кутиб олади. Аммо, у билан келган барча хоразмлик аскарларни қўлга олиш тўғрисида буйруқ беради. Шундан сўнг асирга тушишни истамаган хоразмликларнинг яна бир қисми Карак шаҳрига ал-Малик ан-Носир бошчилигида беркинишга мувоффақ бўладилар. Итоатсиз қариндошни жазолаш, хоразмликларни ҳарбий ва сиёсий куч сифатида бутунлай тугатишга киришган Аюбийларнинг бирлашган қўшинлари Карак шаҳарни қамал қилиб, ушбу мустақил ҳокимликни тугатишга киришадилар. Ҳатто, ал-Малик ан-Носирнинг ҳаёти хавф остига қолади. Ўз жонидан хавотирга тушган ал-Малик ан-Носир хоразмликларни ас-Солиҳга топшириш орқали ўртадаги муаммони ҳал қилишга иттифоқчиларига хиёнат қилади<sup>78</sup>. Хоразмликлар сўнгги бора 1246 йил биринчи сентябрда рақиблари билан енгилишлари аниқ бўлиб турсада жанг қиладилар. Мағлубиятга учраганларидан сўнг “хоразмликлар”нинг қайта бирлашишларини олдини олиш мақсадида уларнинг барча етакчи саркардалари қатл этилади. Фақатгина, “хоразмликлар”нинг Кучлухон исмли саркардаси бошчилигидаги кам сонли аскарлар Аюбийлар қуршовини ёриб чиқишга ва душман таъқибидан қочишга муваффақ бўлиб, Эрондаги элхоний мўғуллар хизматида ўтганлиги тарихий адабиётларда келтириб ўтилгани маълум<sup>79</sup>.

Яқин Шарқ тарихида “хоразмликлар” ва Хоразмшоҳлар фаолияти шу билан тугамаган. Миср тарихига оид адабиётларда бу хусусда яна қатор

---

<sup>78</sup> Хилленбранд К. Крестовые походы. Взгляд с Востока: мусулманская перспектива/пер. с англ. – СПб.: “Издательство “ДИЛЯ”, 2008. – С. 611.

<sup>79</sup> Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насафий. Султон Жалолоддин Мангуберди ҳаёти/Матёкубов тарж./ - Т.: O'zbekiston, 2006. – Б. 378.

маълумотларни учратиш мумкин. Ушбу маълумотлар орасида Миср султони Қутуз билан боғлиқ айрим фикрларни келтириб ўтмоқчимиз. Тарихий адабиётларда, Қутуз (асл исми Маҳмуд ибн Мамдуд) Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қиз томондан невараси бўлганлиги келтириб ўтилган. Қутуз хали ёшлик чоғидаёқ мўғуллар томонидан Дамашқда қул қилиб сотилганлиги ва Миср султони Иззуиддин Ойбек томонидан қул сифтида сотиб олинганлиги, Қутуз ўзининг жанговар қобилияти билан алоҳида ажралиб Ойбекнинг эътиборига тушганлиги, кейинчалик Ойбекнинг энг эътиборли саркардаларидан бирига айланганлиги, шунингдек, Ойбек вафотидан сўнг, Қутуз дастлаб, Ойбекнинг тахт вориси ҳисобланган ёш шахзода Малик ал–Мансурнинг регенти сифатида тахтни бошқарганлиги, кейинчалик эса, 1259 йилда Малик ал–Музаффар Сайфуддин Қутуз номи билан ўзи тахтга ўтирганлиги ва 1260 йилгача ҳукмронлик қилганлиги билан боғлиқ фикрлар мавжуд<sup>80</sup>.

Қутуз тахтни эгаллаб турган вақтда унинг қўлга киритган ютуғи сифатида мўғулларнинг Яқин Шарқда мағлуб этилганлигини кўрсатиш мумкин. Айтиш мумкинки, мўғуллар ислом давлатларига қарши салбчилар ва Яқин Шарқдаги христианлар билан расман бўлмасада, ўзига хос иттифоқчилар бўлганлар. Чунки, ҳар икки сиёсий куч рақибларидан мусулмон мамлакатларига катта зарар етказилган. 1259 йили мўғулларнинг Эрондаги Хулагулар сулоласи асосчиси Хулағухон элчиларининг Миср ҳукмдори Қутуз томондан қатл этилиши мўғулларнинг арманлар, грузинлар ва европалик салбчилар билан ҳамкорликда Мисрга ҳарбий юриш ташкиллаштиришига сабаб бўлди<sup>81</sup>.

---

<sup>80</sup> Amitai-Preiss R. *Mongols and Mamluks: the Mamluk–Ilkhanid War, 1260–1281*. Cambridge: Cambridge University Press, 1995. – p. 674.

<sup>81</sup> Орзиев М.З., Латипов Ж.Л. Салиб юришлари ва унга қарши курашда–“Хоразмликлар” фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг-Истеъдод жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Бухоро муҳандислик-технология институти томонидан ўтказилган “XXI аср-интеллектуал авлод асри” худудий илмий-амалий анжумани тўплами (2015 йил 5-6 июнь) – Бухоро. 2015. – Б. 66.

Келиб чиқиши Хоразмдан бўлган султон Қутуз Ҳалаб томон интилаётган мўғулларнинг Кит Буқа бошчилигидаги сараланган кўшинларини Айн Жалут жангида бутунлай тор–мор келтиради. Айн-Жалуд деган жойда 1260 йил тўртинчи апрелида бўлиб ўтган жангда мўғуллар мағлубиятга учратилади. Асир олинган барча мўғул саркардалари қатл этилади. Бу эса мўғулларнинг енгилмас деган тушунчанинг барбод бўлишига сабаб бўлади. Чунки, Яқин Шарқда ҳали ҳеч бир сиёсий ва ҳарбий куч мўғулларни мағлубиятга учрата олмаганди. Ушбу жанг мўғулларни Яқин Шарқ ва Миср томон юришларига чек қўйди. Аммо, айти шу ғалаба Қутузга ҳам қимматга тушди. Унинг аз–Зоҳир Бейбарс исмли турк (Дашти қипчоқдан туркийларидан бўлган ушбу саркарда ёшлигида мўғуллар тоомнидан асир олинган ва қул қилиб сотиб юборилган) саркардаси Ҳалаб ноибни бўлишдан умидвор эди. Қутузнинг унга Ҳалабни бермаганлиги аз–Зоҳир Бейбарс томонидан уюштирилган фитна қурбони бўлишига сабаб бўлади<sup>82</sup>.

Ал-Макризи ёзиб қолдирган маълумотларга қараганда, Султон Қутуз ёки Махмуд ибн Мамдуднинг онаси Хоразимшоҳ Султон Жалолиддин Мангубердининг синглиси бўлган. Отаси томондан эса, Жалолиддин Мангуберди тоғасининг ўғли ва мангубердининг синглиси фарзанди бўлган. Мўғуллардан ўзига хос ўч олиш мақсадида Қутуз Айн-Жалуд жангида асир олган мўғулларни ўзи қул қилиб сотилган Дамашққа келтириб, уларни ҳам айнан шу ердаги бозорда қул қилиб сотиб юборганлиги билан боғлиқ маълумотлар сақланиб қолинганлигини кўришимиз мумкин<sup>83</sup>.

“Хоразмликлар” билан боғлиқ сўнгги маълумотлардан бири Эрондаги элхоний мўғуллар хизматида бўлган Шамсиддин Баҳодир исмли амалдорнинг Миср султони аз–Зоҳир Бейбарс билан алоқа ўрнатганлиги натижасида хоин сифатида қўлга олиниб, жазога тортилиши кўзда тутилганлиги, аммо у Мисрга аз–Зоҳир Бейбарс ҳузурига қочишга муваффақ

---

<sup>82</sup> Abulafia D. The new Cambridge medieval history. Vol. 5, c. 1198 – c. 1300. – Cambridge. Cambridge University press, 1999. – p. 35; 47.

<sup>83</sup> Буниятов З. М. Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов. 1097 – 1231. – М.: Наука, 1986. – С. 195.

бўлганлиги, унинг отаси ҳам Хоразмшоҳ Жалолоддин Мангуберди кўшинида хизмат қилган саркардалардан бири бўлганлиги билан боғлиқ фикрлар келтириб ўтилганлиги тарихий адабиётлардаги маълумотлар тасдиқлайди<sup>84</sup>.

XIII асрнинг охирларидан бошлаб эса тарихий манба ва адабиётларда “хоразмликлар” билан боғлиқ маълумотлар тобора камайиб, уларнинг маҳаллий аҳоли билан ассимиляциялашуви кучайиб борганлигини кўришимиз мумкин. Хоразмликларнинг авлодлари Миср, Сурия, Ироқ ва жанубий-ғарбий Анатолия ҳудудларига тарқалиб кетганлар. Кейинчалик сурия, Фаластин ҳудудларига тарқатиб юборилган хоразмликларнинг бир қисми маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган бўлса, бир қисми аюбийлар томонидан ўтказилаётган зулмдан норози бўлиб, этник жиҳатдан қариндошлари бўлган салжуқийлар ерларига қочиб кетиш жараёнлари ҳам содир бўлганлигини кўришимиз мумкин. Ироқнинг шимолида хоразмликларнинг авлодлари Мосул ва Киркук вилоятларидаги қишлоқлар ташкил этиб, ўзларини туркман деб атаб яшаб келмоқдалар<sup>85</sup>.

Ҳозирги туркиянинг Онадўли ярим оролининг жанубий-ғарбий қисмларида эса, Хурзумлу, Хурзум номи билан аталувчи қишлоқларда хоразмлик аскарларнинг авлодлари яшаб келмоқдалар. Ана шу номлар билан аталувчи саккизта қишлоқ ҳозирги Туркиянинг Маниса вилоятида денгиз бўйи ҳудудларида жойлашганлиги маълум. Тарихий манбаларни, хусусан ибн Биби маълумотларини тадқиқ қилиб, Зиё Бунятов ушбу қишлоқларни пайдо бўлишига Жалолоддин Мангуберди вафотидан кейин Кония султони Алоуддин Қайқубод I хизматига ўтган хоразмлик саркарда Сауронхон ва унинг қўл остида хизмат қилган хоразмликлар асос солган, деган фикрларни келтириб ўтади. Шунингдек, Туркия тарихчилари тадқиқотлари ҳақида маълумот бериб, Сауронхон кейинчалик Туркия тарихида Маниса вилоятида 1412 йилгача ҳукумронлик қилган алоҳида сулола сауронийлар сулоласини ҳам айнан ана шу Кония султони хизматига

---

<sup>84</sup> Abulafia D. The new Cambridge medieval history. Vol. 5, с. 1198 – с. 1300. – Cambridge. Cambridge University press, 1999. – p. 133.

<sup>85</sup> Бунятов З. М. Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов. 1097 – 1231. – М.: Наука, 1986. – С. 192.

ўтган Сауронхон авлодлари ташкил этган деган фикр-мулоҳазаларни ҳам келтириб ўтади. шунингдек, тарихий адабиётлардаги маълумотларда, Онадўли ярим оролининг шарқий қисмида хоразимликлар жойлашган қишлоқлар асосан Алашехир ва Кутахия вилоятларида учрайди. Бу ердаги қишлоқларнинг номлари Хорзем аширеи, Овачик, Хорзом Алаяка, Хорзом Саздери, Хорзом кесерлер, Хорзом-и Эنبели каби номлар билан аталган. Бундан ташқари Урфа вилоятида учта Хоразм деб номланувчи қишлоқ бўлиб, улар Сурия ҳудудидан аюбийлар зулмидан норози бўлиб қочиб келган ва шу ерларга ўрнашган хоразимлик жангчиларнинг авлодлари бўлиб ҳисобланади<sup>86</sup>.

Шундай қилиб, ўз юртини мўғуллар босқини натижасида Жалолиддин мангуберди билан ташлаб кетган хоразимлик аскарларнинг тақдири ва шуҳрати тугатилади. Яқин Шарқ мамлакатларида улар тарқалиб кетиб, аста-секин унитила бошланади. Аммо, хоразимликлар Жалолиддин Мангуберди вафотидан кейин ҳам 15 йил давомида Яқин Шарқдаги сиёсий ва ҳарбий жихатдан қудратли куч бўлиб, уларнинг иродаси бутун бошли давлатлар тақдирини ҳал қилганлигини кўриб чиқди. Энг асосийси хоразимликлар салиб юриши ва салибчиларга қарши курашда ҳам ўзига хос жасоратлар кўрсатганликларининг ўзиёқ уларнинг ҳарбий санъати, жанг олиб бориш усуллари таҳсинга сазовор эканлигидан далолат беради.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, “хоразмликлар” ва уларнинг Яқин Шарқ халқлари тарихидаги тутган ўрни ўзига хос мураккаб даврга тўғри келганлиги, бу даврда нафақат сиёсий – ҳарбий, балки ижтимоий – маданий, диний омилларнинг ҳам зиддиятли, айни вақтда шиддатли кечганлиги, ушбу воқеликларда “хоразмликлар”, яъни юртимиз аҳолисининг ҳам фаол иштироки масаллаларини янгича нуқтаи – назардан, миллий истиқлол мафқураси, тарихийлик, ҳаққонийлик, адолатлилик принциплари асосида ўрганиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири, деб ҳисоблаймиз.

---

<sup>86</sup> Буниятов З. М. Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов. 1097 – 1231. – М.: Наука, 1986. – С. 195.



## Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, салиб юришлари даврида Шарқ мамлакатлари ҳақидаги тасаввурлар ортиб борди. Ушбу тасаввурларнинг диний жиҳатида Шарқдаги христианлар тўғрисидаги афсонавий қарашлардан, диний миссионерлик даражасига ўсиб чиққанлигини кўриш мумкин. Салибчилар ўзларига Шарқдан қирол Жон ёки Давид тимсолида мусулмонларга қарши ҳарбий “ёрдам” етиб келиши тўғрисидаги тасаввурлардан, Шарқ ва Ғарбдаги христиан мазҳабларини Рим папалари қўл остида бирлаштириш режаси ва уни амалга оширишда ҳам бир қадар мувоффақиятларга эришганлар. “Хоразмликлар” эса, салбчиларга қарши мувоффақиятли кураш олиб бориб, ислом мамлакатларини салибчилар ҳавфидан сақлаб қолишга ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшганлар.

Хоразмликларнинг Яқин Шарқдаги Кония султонлиги, аюбийлар давлати, Мосул ва Майофириқидин ҳукумдорлари билан муносабатлари бир текис тарзда амалга оширилмади. Юқорида номлари тилга олинган ҳукумдорлар хоразмликлардан ўз манфаатларини амалга ошириш учун фойдаланиб қолган бўлсалар, ватанидан қувилган хоразмликлар яшаб қолиш ва оилаларини боқиш мақсадида ёлланма аскарларга айланиб қолдилар. Ўрта асрларга оид Ғарб тарихий адабиётларда уларни марадёрлар<sup>87</sup> деб аташ расм бўлганлиги юқоридаги фикрларни тўла асослайди. Энг асосийси хоразмликлар Жалолиддин Мангуберди вафотидан сўнг ҳам ўзларининг Яқин Шарқдаги қудратли куч эканликларини яхши англаган ҳолда минтақадаги сиёсий вазиятни ўзгартира оладиган куч эканликларини бир неча бора кўрсата олдилар. Ўзларининг кам сонли эканлигига қарамай хоразмликлар ҳатто, ашаддий душманларини ҳам ўзларига ҳурмат билан қарашга мажбур эта олганлар. Хоразмликларнинг ислом олами учун қилган энг улуғ ишларидан бири бу Қуддус шаҳридан салибчиларни тўлиқ қувиб чиқаришлари эди, десак муболаға бўлмайди.

---

<sup>87</sup> Amitai-Preiss R. *Mongols and Mamluks: the Mamluk–Ilkhanid War, 1260–1281*. Cambridge: Cambridge University Press, 1995. – p. 619.

Миср аюбийларидан бўлган ас-Солиҳ кичик бир мулк эгасидан кудратли давлат ҳуқумдори бўлишида хоразимликларнинг ҳам ҳиссаси катта бўлиб ҳисобланади. Унинг аюбийлар давлатини ягона марказга бирлаштиришига, бундан ташқари Қуддус шаҳри учун бўлган курашда мусулмонлар қўлига ушбу шаҳарнинг узил-кесил ўтишига ҳам хоразимлик аскарларнинг жасоратли ҳаракатлари катта аҳамиятга эга бўлди. Хоразимликларнинг жанг олиб бориш усуллари ва жанглардаги қаҳрамонликлари душманлари томонидан эътироф этилиб, уларга қарши жангларда фақатгина кўп сонли катта қўшинлар билангина мувоффақият қозонганликлари ҳақидаги маълумотлар тарихий адабиётларда келтириб ўтилганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин.

Таклиф ва мулоҳаза ўрнида айтиш мумкинки, “хоразимликлар” ва уларнинг Яқин Шарқ халқлари тарихидаги тутган ўрни ўзига хос мураккаб даврга тўғри келганлиги, бу даврда нафақат сиёсий–ҳарбий, балки ижтимоий–маданий, диний омилларнинг ҳам зиддиятли, айна вақтда шиддатли кечганлиги, ушбу воқеликларда “хоразимликлар”, яъни юртимиз аҳолисининг ҳам фаол иштироки масалларини янгича нуқтаи–назардан, миллий истиқлол мафкураси, тарихийлик, ҳаққонийлик, адолатлилик принциплари асосида ўрганиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири, деб ҳисоблаймиз. Ушбу мулоҳазалардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни келтириб ўтишни лозим деб ҳисоблаймиз

- “Хоразимлик” аскарлар тўғрисида алоҳида фундаментал тадқиқотлар, яратиш;
- Ушбу мавзуга оид, шунингдек, “Хоразимликлар” қаҳрамонлиги, жасоратини кўрсатиб берувчи ҳужжатли ва кино филмлар олиш;
- Ҳозирда ўзини “Хоразимликлар” авлодлари деб ҳисобловчилар билан иқтисодий, маданий ва туристик муносабатларни йўлга қўйиш лозим деб ҳисоблаймиз.


## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти вази фасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи.  
<http://xs.uz/index.php/homepage/rasmij/item/8640>
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: Фан, 1998. – 32 б.
3. Ал – Хасан ибн Муса ан – Навбахти. Шиитские секты. Перевод с арабского, исследование и комментарий С. М. Прозорова. – М.: Наука 1973. – 223 с.
4. Бартольд В. В. Очерк истории Семиречья // Сочинения. Общие работы по истории Кавказа и Восточной Европы. Том II, часть 1. – М.: Издательство восточной литературы, 1963. – 1020 с.
5. Бартольд В. В. Еще о христианстве в Средней Азии // Сочинения. Работы по отдельным проблемам истории Средней Азии. Том II, часть 2. – М.: Наука, 1964. – 657 с.
6. Бартольд В. В. Сочинения // Работы по истории и филологии тюркских и монгольских народов Т –V.– М.: Наука; 1968. – 546 с.
7. Буниятов З. М. Государство Хорезмшахов – Ануштегинидов. 1097 – 1231. – М.: Наука, 1986. – 252 с.
8. Военно-исторической алманах № 82. Рыцары ордена тамплиеров 1120-1312 гг. - Артемовск.: типография “Книга”, 2002. – 44 с.
9. Военно-исторической алманах. № 82. Тевтонские рыцары 1190-1561 гг. - Артемовск.: типография “Книга”, 2002. – 40 с.
10. Гибб.Г. Дамасские хроники крестоносцев/Пер. с англ. Е.Б. Межевитинова. – М.: ЗАО Центрполиграф, 2009. – 253 с.
11. Заборов М.А. История крестовых походов в документах и материалах. Учеб. пособие. – М.: Высш. школа, 1977. – 272 с.


12. Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-Та'рих ("Полный свод истории") Избранные отрывки. Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П. Г. Булгакова. Дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш. С. Камолиддина. – Ташкент – Цюрих, 2005. – 232 с
13. Книга Марко Поло. Серия: Путешествия. Открытия. Приключения. – Алма-Ата: Наука, 1990. – 352 с.
14. Орзиев М.З., Латипов Ж.Л. Салиб юришлари ва унга қарши курашда-“Хоразмликлар” фаолияти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг-Истеъдод жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Бухоро муҳандислик-технология институти томонидан ўтказилган “XXI аср-интеллектуал авлод асри” ҳудудий илмий-амалий анжумани тўплами (2015 йил 5-6 июнь) – Бухоро. 2015. – 63-66 б.
15. Рубрук, Гильом де. Путешествие в восточные страны // Путешествия в восточные страны Плано Карпини и Рубрука. Ред., вступ. статья и прим. Н. П. Шастиной. – М.: Государственное издательство географической литературы, 1957. – 270 с.
16. Ру Ж.-П. Тамерлан / Жан-Поль Ру; пер. с фр. Е. А. Соколова; послесл. В. Л. Егорова; прил. – 4-е изд. – М.: Молодая гвардия, 2007. – С.
17. Феодоров-Давыдов А.А. Крестовые походы. Историческая хроника. – М.: Типография К.Л. Меньшова 1905. – 200 с.
18. Хилленбранд К. Крестовые походы. Взгляд с Востока: мусулманская перспектива/пер. с англ. – СПб.: “Издательство “ДИЛЯ”, 2008. – 672 с.
19. Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насафий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти/Матёкубов тарж./ - Т.: O'zbekiston, 2006. – 384 б.

20. Abulafia D. The new Cambridge medieval history. Vol. 5, c. 1198 – c. 1300. – Cambridge. Cambridge University press, 1999. – p. 711.
21. Amitai-Preiss R. Mongols and Mamluks: the Mamluk–Ilkhanid War, 1260–1281. Cambridge: Cambridge University Press, 1995. – p. 147.
22. Jackson P. The Mongols and Europe // The New Cambridge Medieval History, vol. V: c. 1198 – c. 1300, ed. by D. Abulafia. – Cambridge: Cambridge University Press, 1999. – P. 611.
23. Hitti P. K. History of the Arabs. London, 1940. – p. 674.
24. Holt P. M. Lambton A. K. S. Lewis B. The Cambridge history of islam. Vol. 1A, The Central islamik lands from pre – islamik Times to the first world war. - Cambridge. Cambridge University press, 1970. – p. 158.
25. Petry C. F. The Cambridge History of Egypt. Vol. 1, Islamic Egypt, 640 – 1517. Cambridge: Cambridge University Press, 1998. – p. 236.
26. Riley-Smith J. The Oxford History of Crusades. Oxford: Oxford University Press, 1999. – p. 394.
27. Религии, распространенные в Центральной Азии (URL: [www.orexca.com/rus/religia.shtml](http://www.orexca.com/rus/religia.shtml)).


## Иловалар



Салиб юришлари даврида (XII аср) мусулмонлар давлатлари ва салибчиларнинг чегаралари. Расмлар Военно-исторической алманах журнали 25-сони Фарисы тяжелая конница сарацин (1050-1250 гг.) журналидан олинди




Аюбийлар даврига оид найза учи. Расмлар Военно-исторической алманах  
журнали 25-сони Фарисы тяжелая конница сарацин (1050-1250 гг.)  
журналидан олинди




ХII асрга оид араб отлик жангчиси ва унинг қуролланиши. Расмлар Военно-исторической алманах журналі 25-соні Фарисы тяжелая конница сарацин (1050-1250 гг.) журналідан олинди





ХII-ХIII асрларда ишлатилган ўқ-ёй ва унинг ўқлари, камондан ўқ узиш техникаси, камонларнинг қисмлардан тузилишига оид тасвирлар. Расмлар Военно-исторической алманах журнали 25-сони Фарисы тяжелая конница сарацин (1050-1250 гг.) журналичан олинди



36

ХIII асрга оид турк отлик жангчиси ва унинг куролланиши. Расмлар Военно-исторической алманах журнали 25-сони Фарисы тяжелая конница сарацин (1050-1250 гг.) журналидан олинди



ХII-ХIII асрлардаги мусулмон енгил куrolли отлик жангчилари


Расмлар Военно-исторической алманах журналі 25-соні Фарисы тяжелая конница сарацин (1050-1250 гг.) журналідан олинди



Оружие и доспехи, 1230 г.

1230 йилларда Госпитальер ордени рицари умумий кўриниши ва қуролланиши  
 Расмлар Военно-исторической алманах 8-сони рицары ордена госпитальеров  
 (1100-1306 гг.) журналичан олинди

В среоние века армии тоже имели обозы. Грузы перевозили на вьючных лошаоях.



А. Владения госпитальеров в Палестине 1185-1265 гг. В. Религиозные объекты ордена в королевстве Иерусалим. С. Главный район сельскохозяйственных объектов ордена в королевстве Иерусалим.

Расмлар Военно-исторической алманах 8-сони рицары ордена госпитальеров (1100-1306 гг.) журналидан олинди



Изображение сражения при Ла-Форби (1244) между франками королевства Иерусалим и хорезмцами. Справа виден бегающий с поля знаменосец тамплиеров. В действительности, никто из тамплиеров с поля боя не бежал и почти все они погибли в бою. «Великая Хроника» Матвея Парижского.

25

Ла-Форбия жанги акс эттирилган минатюра. (Матвей Парижскийнинг “Буюк хроника” асарига ишланган минатюра) Хоразимлик аскарлар ва тамплиерлар жанги тасвирланган. Расмлар Военно-исторической алманах 82-сони рицары ордена тамплиеров (1120-1312 гг.) журналидан олинди



Тамплиерлар ордени рицари умумий кщриниши ва куролланиши. Расмлар Военно-исторической алманах 82-сони рицары ордена тамплиеров (1120-1312 гг.) журналидан олинди